



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

26 (132)-сон, 2006 йил 29 июнь

www.21asr.com

ИҚТИСОД

3 Айти кунда вилоятда 62156 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.



ЖАРАЁН

7 Ҳақамлик судлари фуқаровий ва ҳўжалик муносабатларига оид низоларни ҳал қилишнинг энг афзал усулидир



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 «Зангори олов» нарҳининг 130 долларга кўтарилиши Украина иқтисодиётини издан чиқариб юборади



Мамлакатимизда энгил саноат корхоналари тармоғи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган хилма-хил маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номи ил-йигирув ва тўқув акциядорлик жамияти йўлига тушиб олган. Кейинги йилларда бу ерда 5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Натижанда самардорлик кўпайиб, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилди. Корхона маҳсулотлари АҚШ, Бельгия, Туркия, Россия, Польша каби ўнлаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Экспортнинг йиллик ўртача ҳажми 7 млн. доллари ташкил этади.

(Давоми 5-бетда)



Муҳаррир минбари

Ишонч ёрликлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 28 июнь куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Фаластин ва Қозогистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Нодия Иброҳим Каффофий, Муҳаммад Беррах, Асад Муним ал-Асад ва Аскар Мирзааҳметов ишонч ёрликларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрликларини қабул қилиб олар экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан элчиларни қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Миср халқаро муносабатлар тизимида, айниқса, араб дунёси ва мусулмон оламидаги жараёнларда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан саналади. Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларда халқларо ташиқлотлар доирасидаги, шунингдек, терроризм ва диний экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга. Иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг муҳим жиҳатларидан биридир. 2005 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 9,6 баробар ўсиб, 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Мамлакатларимиз ва халқларимизни кўпгина муштарак жиҳатлар бир-бирига боғлаб туради, — деди Нодия хоним. — Менинг элчи сифатидаги асосий вазифам икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ўзбекистон ва Жазоирда ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Мавжуд салоҳият яхши ўрганилмагани сабабли, улардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Алоқаларнинг тикланиши ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Муҳаммад Беррах Президентимизга ишонч ёрлигини топширар экан, фаолияти даврида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларига, айниқса, сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратишини маълум қилди. — Жўғрофий жиҳатдан бир-бирдан анча узоқда жойлашган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш мен учун катта шарафдир, — деди элчи.

Ислам Каримов Фаластин элчиси билан суҳбатда Ўзбекистон Фаластин халқи тинч йил билан ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳўққини рўёбга чиқаришига ишонч билан қарашини ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ доирасида ушбу масала бўйича фаластинликлар позициясини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Кичик бизнес ва хўсурий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш икки мамлакат манфаатларига мосдир. 2005 йилда савдо-саноат палаталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида битим имзоланган бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Фаластин элчиси ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

— Маданий муштараклик халқларимизни яқинлаштиради, — деди элчи. — Ўзбекистон олий ўқув юртурларида юзлаб фаластинликлар таҳсил олган. Икки халқ маданиятининг уйғунлашуви умумий кадриятларни юзага чиқаради. Бу кадриятлар эса ҳамкорлик пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозогистон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бўғунги кунда давлатларимизнинг ўзаро муносабатлари азалий алоқалар ва яхши қўшничилик аънчалари асосида янги мазмун билан бойиб бормоқда. 2005 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми 2004 йилга нисбатан 21,3 фоиз оғиб, 516,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айниқса, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг шу йил март ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳўжатлар, жумладан, икки мамлакат раҳбарлари шафёльгида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаши тузиш борасидаги келишув ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Қозогистон минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Қозогистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатларга катта аҳамият берилади, — деди А.Мирзааҳметов. — Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома имзолангани, давлат чегараларининг делимитацияси борасида ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон ва Қозогистон келишувига эришгани ўзаро ҳамкорлигини изчил ривожланиб бораётгани ҳақида яққол тасаввур беради. Давлатларимиз минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

(ЎЗА)

Миллий матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси

“... Инсон қадрини, инсон ҳўқўқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида **ХОЛИСОНА** хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади”.

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриқиди тилга олинган ушбу сўзларни ҳеч бир муболага-сиз XXI аср матбуотининг бўғунги қиёфаси қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб тарзида қабул қилиш мумкин.

Шиддатли давр, кўз очиб-юмгунча содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар одамлар онгига жуда тез таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол, шўбҳасиз, матбуот хо-

димлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Дунёда кимларнингдир қўлида кўғир-чоққа айлиниб қолаётган, маълум бир кучлар манфаати эвазига миллионлаб фуқаролар онгини захарлаш йўлида “халис” хизмат қилаётган бошқа тоифадаги матбуот ҳам борки, жаҳон жамоатчилиги бундай хатти-ҳаракатлар нечоғли хавфли эканини бежиз таъкидла-маётир.

Давоми 2-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

Фолкленд яна кун тартибиди



Бўғун Буэнос-Айресда Аргентинанин Фолкленд оролларида даъвосини расмийлаштириш учун махсус парламент комиссияси иш бошлади. Ҳозирги кунда мазкур баҳсли орол Буюк Британия бошқаруви остидадир. Президент Нестор Киришнер ташаббуси билан тузилган ушбу комиссия таркибидан олимлар ва турли сиёсий партияларнинг вакиллари ўрин олган.

Мамлакат расмийлари Буюк Британия Фолкленд ороллари мақоми бўйича музокаралардан қочишга уринаётганлигини таъкидлаб, ушбу масалада янада қатъий мавқени эгаллашга ваъда бермоқдалар. Аммо ороллар губернатори Ховард Пирс фолклендликлар Буюк Британияга содик эканликларини ва мавжуд мақоми ўзгартириш ниятида эмасликларини таъкидлади. Эслатиб ўтамиз: 1982 йилда баҳсли Фолкленд учун Аргентина ва Буюк Британия ўртасида қуролли тўқнашув юз берган ва унда Англиянинг қўли баланд келганди.

Айблов исботини топди



Европа Кенгаши қабул қилган резолюцияда таъкидланишича, қитъанин айрим мамлакатлари террорчиликка алоқадорликда гумон қилинганларни ташишда АҚШ Марказий разведка бошқармаси билан махфий ҳамкорлик қилганликда айбланади. Кенгаш вакиллариининг эътироф этишича, баъзи мамлакатлар ноқонуний авиакатновларни тайёрлашда қатнашган бўлсалар, бошқалар ўз ҳудудидида гумондорларнинг ўғирланишига имкон беришган. Бундан кўринадики, ушбу резолюция Европарламентнинг швейцариялик депутати Дик Мартининг маърузаси хулосаларини тасдиқлайди. Маълумки, у 7 ой мобайнида МРБнинг Европадаги махфий рейслари тўғрисида тергов олиб борган эди. Вашингтон террорчиликда гумон қилинганларни сўроқ қилиш учун уларнинг бошқа мамлакатларга олиб борилганини тан олаётган бўлса-да, аммо уларни қийноққа солигани борасидаги айбловларни рад этмоқда. Ваҳоланки, Дик Марти парвозлар, сунъий йўлдошдан олинган суратлар ва гумондорларнинг кўрсатмаларини чуқур ўрганиш асносида аниқ хулосага келган. Европа Кенгаши ҳисоботида айтилишича, Польша ва Руминия ҳудудидида МРБнинг махфий қамқонхоналари жойлашган.



Фарғона ғаллакорлари зафари

Фарғона вилояти ғаллакорлари қабул пунктларига 279 минг тоннадан зиёд сара дон топшириб, шартнома мажбуриятини бажарди. Шундан 20 минг 300 тоннаси уруғлик ҳисобланади.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА муҳбири

Бу йил маҳаллий иқлим шароитига мос уруғ танлангани, агро-техник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилгани ютуқлар бош омили бўлди. Урим техникалари ва автотранспортлардан унумли фойдаланилди. Вилоят дон хирмонининг юксалишига Фурқат, Олтиариқ, Бешариқ, Езёвон тумани миришкорлари салмоқли ҳисса қўшди.

— Жорий йилда 6 мингга яқин фермер ҳўжалиги белгиланган режани ортиги билан уддалади, — дейди вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Боймирза Холмирзаев. — Ҳосилдорлик ўртача 47-50 центнерни ташкил этди. Айти пайтда ҳосилдан бўшаган экин майдонлари сифатли шўд-гор қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 27 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқарува ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	895,31
1 Англия фунт стерлинги	2227,06
1 Дания кронаси	205,64
1 БАА дирҳами	333,44
1 АҚШ доллари	1224,60

1 Миср фунти	212,88
1 Исландия кронаси	16,06
1 Канада доллари	1091,83
1 Хитой юани	152,68
1 Малайзия ринггити	331,69

1 Польша злотийси	374,59
1 СДР	1799,06
1 Туркия лираси	716,35
1 Швейцария франки	981,72
1 ЕВРО	1532,59

10 Жанубий Корея вонини	12,78
10 Япония иенаси	105,20
1 Россия рубли	45,27
1 Украина гривнаси	242,50

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

АДОЛАТЛИ, халқчил қонунлар ҳар қандай мамлакатнинг ақли

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ҳар қандай қонун амалдаги ижроси билан кучлидир. Шу маънода парламент назоратининг аҳамияти катта.

Феруза ЭГАМОВА



Олий Мажлис қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган семинар "Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови хуқуқини амалга ошириш масалалари" мавзусига бағишланди. Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, хуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинарда таъкидланганидек, парламент сўрови дунё тажрибасида кенг тарқалган назорат шакли бўлиб, қонунчилик амалиётида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қонунчилик палатаси, унинг депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар юзасидан тегишлича тушунтириш бериш ёки нуқтани назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақлидирлар. Мансабдор шахслар шу асосда Қонунчилик палатаси мажлисларида жавоб беришлари мажбурийлиги қонунларда белгилаб қўйилган. Йиғилишда парламент назоратининг ушбу шакли қонунлар устидан тўлақонли кузатув олиб боришда энг мақбул воситаларидан бири экан-

лиги алоҳида таъкидланди. Давра суҳбати давомида парламент сўровининг ўрни ва амалий аҳамияти ҳақида фикр юритилди, бу институт имкониятларидан амалиётда етарли даражада фойдаланилмаётганини қайд этилди, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари кўмитасида Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ушбу масала юзасидан депутатлар Г. Аннақличева ва А.

Бобомуродовнинг маърузалари тингланди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали изчил ёритиб берилган. Аммо кейинги ойлар ҳақида бундай, деб бўлмайдиган. Хусусан, республика телеканаллари орқали қишлоқ жойларидagi тиббий хизмат аҳоли ва сифати қоңиқарли даражада ёритилмаётган. Бу борада "Халқ сўзи", "XXI asr", "Ўзбекистон овози", "Ишонч" ҳамда "Қадрият" газеталари ижодий жамоаларида яхши таъриба тўлганлигини алоҳида таъкидланди.

Семинарда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурига мувофиқ, йилнинг иккинчи ярмида амалга ошириладиган ишлар юзасидан муҳим тақлифлар билдирилди, амалий тавсиялар берилди.

Миллий матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Юртбошимиз табригида "ХОЛИСЛИК" сўзига алоҳида урғу берилди. Дунёнинг айрим ҳудудларидаги ҳамкасбларимиз ана шу сўзнинг қадри ва қимматини ниҳоятда тор мезонлар билан ўлчашаётгандек туюлади. Оқибатда турли найранглар, қаллоблиқлар, манфаатпарастлик иллатлари оддий одамлар кўз ўнгиде бошқача маъно ва моҳият касб этмоқда. Айниқса, демократия ниҳоби остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чағлатишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари "қўли" билан амалга оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик — давр талаби эканлигини яна бир бор ёдимизга солади.

У ёки бу мамлакатни ёмонотлиқ қилиш, ўз талланган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор шахсий манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмайпти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу гоғлар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ачинарли ҳолатдир.

Тўғри, ўн-ўн беш йил аввалги матбуот билан бугунги матбуотни қиёслаб бўлмайди. Дунё матбуотида рўй бераётган ўзгаришлар, унга бўлган муносабат, мақсад ва вазифалар моҳияти ҳам параллел равишда ўзгараётган. Бугун ҳеч бир иккиланишларсиз айтиш мумкинки, жаҳон матбуоти саҳнасида ўзбек миллий матбуоти ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Ҳақиқат қарамликка асосланган матбуот ўрнини Ўзбекистоннинг миллий анъаналари ва қадриятлари руҳидаги янги, дунёвий матбуот эгалламоқда, дейишга тўла асосларимиз бор. Балки ҳали бу борада ютуқлар, натижалар салмоғи кутулганга қадар эмасдир. Аммо холислик, теранлик, ҳозиржавоблик матбуотимизнинг ҳаётий шорига айлиб бораётгани, шунинг ўзи ҳар биримизни қувонтиради.

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида таъкидланганидек, "бошқалардан кам бўлмаган" миллий матбуотимиз овози кундан-кунга баралла янграётгани эса унинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга нисбатан тўла масъулият билан ёндашаётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, жойларда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-хўнар таълими Маркази томонидан таълим муассасаларида жиҳозларнинг ўрнатилиши ва ўқув жараёнида фойдаланилиши самарадорлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмаган. Бюджет ҳамда хорижий кредитлар ҳисобидан 18 та касб-хўнар коллежга ва 20 та мактабга берилган ўқув жиҳозлари белгиланган тартибда ўрнатилмаган ва ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилмаган.

Айрим ҳолларда шартнома интизомини сусайтириб юборилгани, уни мустаҳкамлаш чоралари қўрилмаганига эътибор қаратилди. Замонавий фан кабинетлари жиҳозларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчиларнинг малакасини мунтазам юксалтириб боришни йўлга қўйиш зарурлиги уқтирилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф эттириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

ХАБАРЛАР

ТАДБИР

Конимехлик қорақулчилар учун бу йилги кўклам анча қулай келди. Ҳар юз бош совлиқдан ўртача 110 тадан кўзи олган чорвадорлар мўлжалдагидан кўпроқ қорақул тери тайёрлади.

Қорақул — экспортга

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Абай номидаги, "Қизилқум", "Конимех" қорақулчилик ширкат хўжаликлари махсулотнинг бир қисмини хорижга сотишга муваффақ бўлди.

Айни пайтда туманда фаолият кўрсатаётган "Сарибел-Диамет-қорақул" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида мазкур қимматбаҳо хом ашё қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказилмоқда.

Шу кунгача 5 минг донадан зиёд қорақул тери хорижга экспорт қилинди.

Конимехликлар келгуси йилда бу кўрсаткични икки бараварга оширишни мўлжалламоқда.

Яна бир замонавий шифохона

Жиззах вилояти Дўстлик тумани марказий шифохонаси биноси қайтадан қурилди. «Ирригация» хусусий фирмаси қурувчилари ҳомийлар маблағи ҳисобига бунёд этган ушбу замонавий шифо масканида беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам барча қулайликлар яратилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил охирига қадар вилоят бўйича ана шундай йиғирмата тиббиёт муассасаси капитал таъмирдан чиқарилади.

Демократлаштиришнинг муҳим омили

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан "Тўртинчи ҳокимият — жамиятнинг демократлаштиришнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, "Сиёсат" ахборот-таҳлил маркази экспертлари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбати эркин баҳс ва мунозара тарзида ўтди. Журналистлар олдига турган турли муаммолар депутатлар билан биргаликда муҳокама қилинди. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, ОАВларида мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларни, айниқса, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни таъсирчан ва самарали ёритиш юзасидан турли тақлифлар билдирилди.

Табиий бойликларни асрайлик

Марказий Осиёдаги йирик дарёлардан бири - Сирдарёнинг катта қисми Сирдарё вилояти ҳудудидан оқиб ўтади. Дарё нафақат сугориш, балки юзлаб турдаги ўсимлик ва жонзотларнинг ҳаёт манбаи ҳамдир. Унинг флора ва фауна оламини муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи саналади. Афсуски, дарё ёқасидаги тўқайзорларда яшайдиган қўшлар ва ҳайвонларни ноқонуний равишда овлаётган, қўлбола мосламалар билан балиқ тутиб, табиатга зарар етказётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

Оқолтинлик Мухиддин Ботиров ҳамда янгиерлик Собир Аликулов ана шундайлардан бўлиб чиқди. Тақиқланган ов қуроли билан балиқларга қирон келтирган бундай кимсаларнинг ўз номи бор - браконер. Улар тегишли тартибда жазага тортилди.

«Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни-

нинг 3-моддасида «Ўсимликлар дунёсини давлат мулки - умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилонга фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасида қилиниши, дейилади. Қонунда муҳофаза остидаги ўсимлик дунёсини объектлари номманом саналган ва дарахт ҳамда буталарга алоҳида эътибор қаратилган. Қонуннинг 15-моддасида ўрмон фонди ва унга қирмайдиган дарахтларни кесиш тартиби ҳақида сўз юритилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбеки-

стон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан келишишлар қарорига биноангина дарахт кесиш мумкин.

— Аммо кўқариб турган дарахтларни даромад олиш илмида ёки ўтин учун кесиб кетаётганлар ҳам топилади, — дейди Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Қарамон Абдукаримов. — Ховослик «Назаржон Рустамжон нур» фермер хўжалиги раиси Неймат Назаров, Оқолтин тумани Сардоба қўрғонига яшовчи Рақиб Назаров катта майдондаги дарахтларни, ҳатто ўнлаб ёш ниҳолларни кесган. Гулистон туманидаги «Бунёд» фермер хўжалиги раиси Холиқул Душаболиев, Сайхунобод тумани «Зомин» фермер хўжалиги раиси Мавлон Шамшиев эса тут дарахтларини ўтинга айлантирган. Улар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

Табиат неъматлари - инсон учун. Бирок бу неъматлар ҳадсиз-ҳисобсиз, улардан ҳар ким ўз билганича фойдаланиши мумкин, дегани эмас.

Дахлдорлик туйғуси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши томонидан давлатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-материал ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига асосан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Унга асосан, жойларда мамлакатимизга қарши қаратилган гоғвий информация хуружлардан қўзда тутилган мақсадларни атрофлича очиб бериш ҳамда юртдошларимиз ва, аввало, ёшларнинг мағфуратий иммунитетини мустаҳкамлаш учун олий ўқув юрлари, лицей ва коллежлар талабалари ҳамда маҳаллалар фаоллари билан "Дахлдорлик ҳисси билан яшайлик" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири қанда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Талабалар уйда ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Тешаев, O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши аъзолари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

Тадбирни институт ректори Г. Қудратов қисқача кириш сўзи билан очди. Олий Мажлис депутати Шавкат Тешаев йиғилганларга парламент қўйи палатасининг қонун ижодкорлиги бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Талабалар томонидан берилган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ таълим муассасаларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг моддий шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳоли муҳокама қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Идоралараро кенгаш йиғилиши

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎзА мухбири

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиздаги 959 та академик лицей ва касб-хўнар коллежиде 897 минг 319 нафар, 9 минг 748 та умумтаълим мактабиде 5 миллион 926 минг 860 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан коллеж ва лицейларга 1998-2005 йилларда 62,8 миллиард сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари етказиб берилган. Хорижий инвестиция ва грант маблағлари ҳисобидан 369 академик лицей ва касб-хўнар коллежи 119 миллион АҚШ доллари миқдориде энг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланган.

Мактабларга харид қилинадиган ўқув жиҳозлари бўйича кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида "ЎзЭкспоМарказ"да мактаб мебели, ўқув ва спорт анжомлари кўргазмаси ташкил этилди. Мактабларнинг спорт анжомлари ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминоти 80 фоиз кўпайган. 2005 йилда 988 та мактаб замонавий ўқув-компьютер синфлари билан жиҳозланиб, уларнинг умумий сони бир минг 342 тага етказилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда 167 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган, бу мақсадларга 10,8 миллиард сўм сарфланган. Болалар спорт иншоотларига зарур бўлган 120 номдаги спорт анжомларидан 104 турдагисини республика корхоналарида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Ўтган йили 209 та болалар спорт иншоотларига 3,9 миллиард сўмлик спорт анжомлари етказиб берилди.

Шу билан бирга, жойларда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-хўнар таълими Маркази томонидан таълим муассасаларида жиҳозларнинг ўрнатилиши ва ўқув жараёнида фойдаланилиши самарадорлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмаган. Бюджет ҳамда хорижий кредитлар ҳисобидан 18 та касб-хўнар коллежга ва 20 та мактабга берилган ўқув жиҳозлари белгиланган тартибда ўрнатилмаган ва ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилмаган.

Айрим ҳолларда шартнома интизомини сусайтириб юборилгани, уни мустаҳкамлаш чоралари қўрилмаганига эътибор қаратилди. Замонавий фан кабинетлари жиҳозларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчиларнинг малакасини мунтазам юксалтириб боришни йўлга қўйиш зарурлиги уқтирилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф эттириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.



«Андижон осмонига ой чиқади»

Қарши шаҳридаги Муллабтўйчи Тошмуҳамедов номи вилоят мусиқали драма театрида Андижон шаҳрида юз берган воқеаларга бағишланган "Андижон осмонига ой чиқади" деб номланган спектакль намойиш этилмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

Нафас Шодмонов ва Қилич Нурмуҳамедов қаламига мансуб ушбу саҳна асари мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигини барқарор сақлаш, терроризмга қарши кураш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтириш мақсадида саҳналаштирилган бу спектаклни томошабинлар зўр ҳаяжон ва катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Спектаклдаги образларни Иқром Саидолмов, Хуррият Исроилова, Акмал Худоев, Ойгул Хўжанова, Шаҳзод Назаров, Холмурод Сатторов, Илёс Қурбонов ва бошқалар катта маҳорат билан ижро этишмоқда.

АХБОРОТ

ИСЛОҲОТ ислохот учун эмас, аввало,
инсон учун, инсон манфаатларини
таъминлаш учун

ИСЛОҲОТ



Келажакка юз тутган воҳа

Қашқадарё вилояти ҳокими, сенатор Нуриддин ЗАЙНИЕВ
«XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

Яқинда Бельгияда нашр этиладиган ва Европа Иттифоқининг барча мамлакатларига тарқаладиган "Diplomatik News" журналида "Марказий Осиёдаги модель" сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва жорий йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасига мутахассис нуқтаи-назаридан баҳо берилди.

Зумрад АБРОРОВА суҳбатлашди

Мақолада "Иқтисодий ислохотлар дастури, бой демократик ва табиий ресурслар, салмоқли sanoat salohiyati, rivojlangan infratuzilma okilona iqtisodiy siyosat bilan uzaro uygunlikda mamlatkat iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishining muhim vositasi buldi. Bu omillarнинг барчаси яқинда Еврооиде иқтисодий ҳамжамиятига кирган Ўзбекистон учун нафақат Марказий Осиёда биринчи бўлиб, балки ташкилотда етакчи мавқени эгаллаш, минтақада барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнаш имкониятини ҳам беради", дейилади.

Албатта, бундай эътироф ўзини мустақил Ўзбекистон фарзандиман деган ҳар бир инсон қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда тараққийнинг "Ўзбек модели"ни дунёдаги аксарият мамлакатлар сиёсатчи ва иқтисодчилари тан олишганни кувончи, албатта. Бу, авваломбор, Юртбошимиз белгилаб берган йўл ҳаётий эканлигини амалда исботламоқда. Буни биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида юз берган ўзгаришларнинг ўзиёқ исботлаб турибди.

Масалан, ўтган йили вилоят даладаридан 887 миң тоннадан зиёд галла, 476 миң тонна пахта йилги-териб олинди. Агар соҳа йил сайин ривожланиб бормоқда. Лекин шунинг баробарида тарих учун ўтган қисқа бир даврда "Шўртангазим" мажмуаси, "Шўртаннефтьгаз" унитар шўба корхонаси каби гигант корхоналар ишга туширилди. Бугун вилоятдаги яна кўплаб пахтани қайта ишлаш, енгил sanoat korxonalarida ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Агар мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоятда 2006 йилнинг 5 ойида sanoat mahsulotlari ишлаб чиқариш 5,3 фоизга, халқ истеъмол моллари 15,3, чакана savdo айланмаси 10,7, пулли хизмат кўрсатиш 22,1 ва ташқи savdo айланмаси 4 фоизга ортди.

Ўтган даврда 11 та лойиҳа бўйича 6314 миң АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция киритилди. Шунинг баробарида янгидан 59 та корхона ташкил этилди ва улар сони 1809 тага етди. 124 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ошди, 7 та корхона ишга туширилди ва 23 та sanoat korxonasi 5284,6 миң АҚШ долларига тенг замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Йил бошидан буён экспортни рағбатлантириш ва импорт таркибини оптимallashtirish maqsadida бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Наттижада ўтган беш ой ичида экспорт ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоизга ортди ёки 125 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Йиллик қуввати 5 миң тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Гузортекс" қўшма корхонаси ишга туширилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақ-

ВИЛОЯТДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА. АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ, ШУНИНГДЕК, ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, КАСАНАЧИЛИКНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЯПТИ.



садиди Қарши шаҳридаги енгил sanoat korxonalarini учун буюк тайёрлайдиган "Barantextile" корхонасига 467 миң доллар ҳажмида асбоб-ускуналар олиб келинди. Айни пайтда йиллик қуввати 4 млн. квадрат метр бўлган гипсокартон фабрикасига 1,5 млн. долларлик инвестициялар жалб этиш бўйича иш олиб борила-япти.

— 2006 йилда соҳибқирон Амир Темури бобомиз таваалудининг 670 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланади. Шундай экан, тўғна ҳам ана шу икки улуғ воқеага муносиб бўлиши керак-да...

— Худди шундай. Мақсадлар улуг бўлса, куч-гайрат ҳам, муваффақиятлар ҳам шунга яраша бўлар экан. Йил бошидан ҳар соҳада ибратли ютуқларга эришиш билан бирга мамлакатимиздаги энг оммавий ва анъанавий тадбирлардан бири — мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спартакиадасини ҳам муваффақиятли ўтказиб олдик. Ушбу тадбирга бутун вилоятимиз катта тайёргарлик кўрди. Унинг байрамона ўтишига барча бирдай хисса қўшди, десам сира муболага бўлмайдими.

Президентимиз раҳнамолигида бундай спорт байрамлари ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон ушбу сайёҳаракатлари билан ўз келажакига мустақам замин яратаяпти. Бугун Қарши шаҳридаги энг замонавий спорт иншоотларида шуғулланиб, камол топаётган навқирон авлод бошланган ишга шараф билан давом эттириши шак-шубҳасиздир. Чунки интеллектуал ва жисмоний салоҳияти юксак ёшларгина авлодлар анъаналарини муқаддас, деб билади ва уни авайлаб-асрайди.

Мен файзли баҳор кунларида ўтказилган мусобақаларда иштирок этган ўғил-қизларимиз эришган натижаларни кузатар эканман, муҳтарам Юртбошимизнинг: "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган пурҳижмат даввати нечоғли ҳаётбахш эканлигига қайта-қайта имон келтирдим.

— Кейинги йилларда бутун мамлакатимизда бўлган сингари Қашқадарё вилоятини ҳам ҳалқ таълими тизими, хусусан, умумтаълим мактаблари

қуриш, маъжбуларини замонавий тарзда таъмирлаш, моддий-техника базасини муустаҳкамлашга катта аҳамият берилаяпти. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхналиб ўтсангиз.

— Юқориди таъкидлаганимдек, ҳар бир авлод ўз турмуш тарзини юқори даражага кўтаришга ҳаракат қилиш билан бирга келажак авлод фаровонлиги учун ҳам замин яратиши лозим. Акс ҳолда тараққийга эришиб бўлмайдими. Мамлакатимизда ҳар жаҳда олиб борилаётган ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ислохотлар жадал давом эттирилаётгани боис ҳам ана шундай. Агар ёдингизда бўлсан, Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: "Албатта, биз аввалгидек давлат ва жамиятини ислохот этиш ҳамда модернизация қилишда Ўзбек моделининг таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилга бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз", деб алоҳида таъкидлаганди.

Бинобарин, юртимиз мустақил давлат сифатида фаолият юрита бошлаган кезларданок, эртанги кунимиз эгалари бўлиши ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият берилди бошланди. Аввало, мазкур жараённи чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Ниҳоят, Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321 сонли қарорига асосан, 2006 йилдан вилоятимизда 36306 ўрилли 100 та мактаб қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига жами 17432 млн. сўм капитал маблағлар ўзлаштирилган бўлиб, бу йиллик режага нисбатан 78 фоизни ташкил этади. Янама аниқроқ айтишга бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярмида янгидан қурилган ва мукамал таъмирланган мактаблар сони 63 тага етказилди. Бундан ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 16 та, шу жумладан, 1 та V тип болалар спортини иншооти, 15 та мак-

табда қўшимча спорт заллари ишга туширилади. Бир сўз билан айтганда, "Болалар — келажакимиз!" давлати шунчаки мавсумий широр эмас, балки мунтазам ва узвий давом эттириладиган жараён-дир.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Вилоят ишлаб чиқаришига маҳаллий тадбиркор ва ишбилармонлар қай даражада хисса қўшишляпти?

— Шунки мамнуният билан таъкидлашни истардимки, вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий бизнес субъектларининг ўрни йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда вилоятда 62156 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаёпти. Уларнинг вилоят ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,4 фоизни ташкил этади. Ушбу тармоқни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилнинг ўтган даврида жами 3659,4 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ҳозирги кунга келиб, тадбиркорларга моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясини амалга ошириш учун республика Товар-жом ашё биржасининг вилоят филиали томонидан 12130,6 млн. сўм миқдорда ёнилги маҳсулотлари, минерал ўғит, қурилиш материаллари ва бошқа кундалик эҳтиёжлар учун энг зарур бўлган маҳсулотлар етказиб берилди.

Вилоятда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси, шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтириш, касаначиликни кенг йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда вилоятда 563,2 миңта оила мавжуд бўлса, уларнинг 433,9 миңтага ўз томорқасига эга. Айни пайтда ушбу оилаларда 655,1 миң бош қорамол, шу жумладан, 275,1 миңта соғин сигир парвартиш қилинапти. Йил бошидан буён 2000 та ҳам таъминланган оилага қўшимча томонидан 2009 та сигир тортиқ этилди. Аҳолини хусусий тадбиркорлик фаоли-

яти билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил учун 2,6 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратиш мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига 1222 нафар оилага 921,4 млн. сўмлик кредит берилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли кенг қатламини хусусий тадбиркорликка жалб этиш учун бор имкониятларни ишга соляямиз.

— Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларга, жумладан, О'зЛиДеРнинг жамиятдаги ўрнига қандай баҳо бериш?

— Эркин, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш давлатимиз сиёсатининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда иш олиб бораётган барча сиёсий партияларга муносабатим ижобий. Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида нодавлат ноижорат ташкилотлар, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва роли баъқисдир. Бевоқиф тадбиркорлар ва ишбилармонлар характер — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига келадиган бўлсак, у Ўзбекистондаги энг ёш партия бўлишига қарамай, қисқа бир муддатда жамиятдаги энг нуфузли сиёсий кучлардан бирига айланди. Икки палатали парламентдаги кучли фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари орқали жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Партиянинг бевоқифа Қашқадарё вилоятидаги ўрни ҳам салмоқлидир. Айни пайтда вилоятда 672 та бошланғич ташкилот атрофида уюшган 8500 корхоналар ва хусусий бизнес субъектларининг ўрни йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда вилоятда 62156 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаёпти. Уларнинг вилоят ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,4 фоизни ташкил этади. Ушбу тармоқни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилнинг ўтган даврида жами 3659,4 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ҳозирги кунга келиб, тадбиркорларга моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясини амалга ошириш учун республика Товар-жом ашё биржасининг вилоят филиали томонидан 12130,6 млн. сўм миқдорда ёнилги маҳсулотлари, минерал ўғит, қурилиш материаллари ва бошқа кундалик эҳтиёжлар учун энг зарур бўлган маҳсулотлар етказиб берилди.

Вилоятда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси, шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтириш, касаначиликни кенг йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда вилоятда 563,2 миңта оила мавжуд бўлса, уларнинг 433,9 миңтага ўз томорқасига эга. Айни пайтда ушбу оилаларда 655,1 миң бош қорамол, шу жумладан, 275,1 миңта соғин сигир парвартиш қилинапти. Йил бошидан буён 2000 та ҳам таъминланган оилага қўшимча томонидан 2009 та сигир тортиқ этилди. Аҳолини хусусий тадбиркорлик фаоли-

яти билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил учун 2,6 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратиш мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига 1222 нафар оилага 921,4 млн. сўмлик кредит берилди.

Кун тартибида: БПТлар фаолияти

О'зЛиДеР Хоразм вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим марказида Урганч шаҳридаги бошланғич партия ташкилотлари раислари ва фаоллари иштирокида "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш, нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда бошланғич партия ташкилотлари фаолларининг роли" мавзюида семинар ўтказилди.

Тадбирда ёшларимиз тафаккурида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ҳамда уларни турли ахборот хуружларидан сақлашда бошланғич ташкилотлар фаолларининг роли ва ўрни хусусида маърузалар ўқилди. Шунингдек, партия таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган энг муҳим вазифалар таҳлил этилиб, улар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

"Сарибел"да фаоллар ЙИҒИЛИШИ

О'зЛиДеР Конимех туман ва Навоий шаҳар кенгашлари ҳамда "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалиги ҳамкорлигида "Энг катта бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликни асрайлик" мавзюида тадбир бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз осойишталигини авайлаб-асраш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш, улар онига сайраб таъсир қилувчи мафқуралар ва носоғлом руҳдаги диний оқимлар таҳдидидан ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув давомида "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалигининг яқинда партия сафига қабул қилинган ишчи-хизматчиларига аъзолик гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, оммавий тадбирларни ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатган 8 нафар партия аъзосига қимматбахо совғалар тақдим этилди.

Жиззаҳда ёшлар сайли

"Истиқлол" истироҳат боғи ёшлар билан гавжум бўлди. О'зЛиДеР Жиззаҳ шаҳар кенгаши, шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Камолот" ЁИХ шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилган, "Оқ йўл сизга, битирувчилар" деб номланган тадбир чинакам байрамга айланди.

Сайл иштирокчилари Ватан мадҳи, ёшликнинг жўшқин ва нурли онлари ҳақидаги қўшиқлари мириқиб тингладилар. Мустақил ҳаётга илк қадам қўяётган ўсмирларга оқ йўл тиланди. Байрам иштирокчилари ота-оналари, устозларига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Иқтисодий ислохотларга бағишланди

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг устувор вазифалари" мавзюида семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон иқтисодиётининг қўшни мамлакатлардагидан фарқли жиҳатлари, ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. "Хусусий тармоқнинг ривожланиши ва уй-жой коммунал хўжалигини ислохот қилиш", "Банк-молия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари", "Мамлакатда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилишда депутатлик гуруҳларининг роли" мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинар якунида тадбир ташкилотчилари тингловчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

АДОЛАТ ҳақиқатнинг
■ амалга ошишидир

Қарор қатъий эмас, шикоятга ўрин бор!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарлари диққатига

- САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ 2002 ЙИЛ 29 МАЙДАГИ ҚАРОРИ НЕГА БЕКОР ҚИЛИНДИ?
- КИЧИК НУРМУРОДОВ РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН "АСАКАБАНК" ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИНИНГ "ТРАНС ЭКСИМ"ГА НИСБАТАН ЭЪТИРОЗЛАРИ ЎРИНЛИМИ?
- УЧ КУНДА ҚАЙТАРИБ ОЛИНГАН ПРОТЕСТ...

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг иқтисодийнинг юксалтириш, айниқса, хусусий секторни ривожлантириш, унинг оёққа туриб олиши йўлидаги беқиёс аҳамиятини эътироф этмаслик мумкин эмас, албатта. Аммо ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, айрим банкларимиз ана шундай мақсадларни турли пардалар билан ўрашга уринмоқдалар-ки, бу беихтиёр юқорида тилга олинган эзгу ишларнинг қадрсизланишига олиб келаяпти. Самарқандда рўй берган қуйидаги ҳолат эса бир зиддият иккинчисини келтириб чиқаради, деган ақидани эслатади.

■ Дониёр КАМОЛОВ,
Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr» мухбирлари

Самарқанд аҳлининг катта кичиги шаҳар кўчаларида гиз-гиз қатнаб, аҳолининг узогини яқин, оғирини энгил қилаётган, "СамКочАвто" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Отайл" русумли микроавтобуслари яхши билишади. Чунки "Транс Эксим" (собик "22-автосарой") масъулият чекланган жамиятининг ҳайдовчилари эрта тондан то кечгача аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб, одамлар раҳматини олмақдалар. Айни пайтда 200 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа фаолиятига четдан қараган кишининг ҳаваси келади. Лекин аслида-чи?

— Аслида аҳолининг анчайин мушкул, - дейди корхона директори Акбар Раҳимов. — Негаки, биз миқдози ҳисобланган ДАТ "Асакабанк"и Самарқанд вилоят филиали ҳисоб-рақамимизни музлатиб қўйган. Прокуратура аралашуви билан жамоага фақат ойлик маошларни беришга зўрға ружук олди. Бошқа пуллик операцияларни амалга ошириш имкониятига эга эмасмиз.

— Нега?

— Сабаблари талайгина.

Тарихи эса салкам беш йилга бориб тақалади.

Хуллас, гагининг индалло-сини айтганда, 2001 йил бошида Самарқанд шаҳридаги "22-автосарой" (айни пайтда "Транс Эксим" масъулият чекланган жамият) 40 донга "Отайл" русумли автобус сотиб олиш учун банкдан 549 млн. сўм миқдорда ўрта муддатли, яъни 3,5 йилга кредит олади. Бу ҳақда 2001 йилнинг 26 январда икки томонлама шартнома имзоланди. Аммо корхона заводнинг айби билан автомашиналарнинг бир қисминини икки ой кечкиб олади. Натижада ўша йилнинг биринчи чорагида банка шартномада белгиланган суммани топишолмади. Юзга келган вазият Самарқанд шаҳар ҳокимлиги комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, мавжуд ҳолатда автокорхона кредитнинг белгиланган қисми ҳамда фоизини тўлаш қобилияти йўқлиги туфайли банк билан ўзаро муносабатларга муайян ўзгаришлар киритишга қарор қилинади. Шу асосда банк филиали кредит қўмитасининг қарори билан мазкур кредитга фоизларни ўстирмаслик мақоми берилди ва кредит буйича фоизларни балансдан ташқари ҳисоб рақамда ҳисоблаб бориш белгиланади.

Шаҳар эҳтиёжларидан келиб чиқиб қабул қилинган ушбу қарордан сўнг, корхона бирмунча имтиёзга эга бўлиб, ўз фаолиятини яна давом эттира бошлади. Аммо орадан бор-йўғи икки кун ўтгач, ДАТ "Асакабанк"и кредит қўмитасининг раиси А.К.Ким филиалнинг ушбу қарорини бекор қилиш тўғрисида фармойиш чиқаради.

— Гап шундаки, банк бу ҳақда корхонани хабардор қилмади, - дейди "Транс Эксим" бош ҳисобчиси Ҳамза Баҳриддинов. — Фоиз ставкалари юқорида таъкидланганидек, имтиёзсиз ҳисоб қилинаверади. Натижада корхона банкдан катта миқдорда қарз бўлиб қолади. Агар туширилаётган маблағ 3 ой мобайнида фақат кредитнинг ўзига қаратилганида ўша кезлардаёқ корхона ўзини ўнглаб олган бўларди. Лекин...

Шу тариқа корхона аҳоли янада оғирлашади. 2002 йилнинг 29 майда масалани вилоят ҳокимлигининг махсус комиссияси кўриб чиқиб, қуйидаги қарорга келади.

1. "Самарқандтранс" уюшмаси (Зоиров Ф) ва "22-автосарой" ҳиссадорлик жамияти (И. Санаев) "Асакабанк"дан 40 та автобус сотиб олиш учун олган кредитини 120 фоиз гаров билан таъминлаш мақсадида 10 кун муддатда уюшмага қарашли "Дўстлик" болалар оромгоҳи ва теннис кортини суғурта қилиб, гаровга қўйилиши таъминлансин.

2. "Асакабанк"и вилоят бўлими (С. Нурмуродов)га 2 ой муддатда "22-автосарой" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидаги "Отайл - 24.9" русумли автобусларни тўғривсиз ишлашни таъминлаш мақсадида автокорхонага автошиналар, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва зарур эҳтиёжларга маблағ ажратишни таъминласин.

Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган ушбу қарор Самарқанд шаҳри ва вилоят аҳолиси манфаатларини кўлаб қабул қилинган табиий, албатта. Аммо, негандир ваколатли идора қарори билан қилинган ушбу қарорнинг ўз вақтида ойлик маош олишларидан манфаатдор бўлган банк бу ҳақда автокорхонани оғохлан-тириб ҳам қўймади. Комиссия йиғилишида шахсан иштирок этган филиал раҳбари С. Нурмуродов жаноблари эса бундай қарорнинг қабул қилинишига қаршилик ҳам билдирмади.

Ақинча, орадан ярим йил ўтгач, вилоят ҳўжалик судига мавжуд кредит ва фоиз қарзларини ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат этди. Суд ушбу даъвоини қисман қаноатлантириб, жавобгардан 278.764.751 сўм асосий қарз, 82.838.140 сўм ус-тама фоиз, жами 361.602.891 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Олинган кредитнинг қолган 248.390.602 сўм қисмига жавобгар томонидан банка мурожаат қилиб, муддатини узайтиришни сўрагани сабабли, "Асака банк"нинг кредит қўмитаси ўзаро шартномага ўзгариш киритиб, қарзнинг қолган қисмини 2006 йил 2 февраль кунига бўлган муддатга узайтирди.

Ўзи шундоқ ҳам оғир молиявий аҳволдаги корхона фаолияти яна мураккаблашди. Аммо мавжуд қийинчилик-ларга қарамай, автокорхона ходимлари ўз ишларини тўхтатмадилар.

Бундан ташқари, кредит қарзларини узишда мавжуд имтиёз (фоизи ўстирмаслик мақоми)дан фойдалана олмаётгани, "Асакабанк" кредит қўмитаси раиси қароридан норози бўлиб, шунингдек, Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг қарорини бекор қилишни сўраб, 2005 йилда Олий ҳўжалик судига кассация шикояти билан мурожаат этдилар. Лекин даъво қаноатлантирилмаган, корхона вакиллари Республика Бош прокуратураси ва Олий ҳўжалик судига назорат тартибидан протест келтиришларини сўраб, ариза бердилар.

2006 йилнинг 6 апрелида Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н. Аҳмонов судга "Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 2 майдаги ҳал қилув қарори, шу суд апелляция инстанциясининг 2005 йил 15 июндаги қарори, кассация инстанциясининг 2005 йил 22 сентябрдаги қарори ва хусусий ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраб, Олий ҳўжалик судининг кассация шикоятига протест киритди. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Транс Эксим" масъулият чекланган жамиятининг даъвогар кредитга ўстирмаслик мақоми берилганлик ҳолатини яшириб, уларни чағиртиш йўли билан қопланмаган асосий қарз қўринишида қўшимча 248390602 сўм ва 35479619,41 сўм фоизлар тўловини тўлаш мажбурияти юклатилган 2004 йил 15 октябрдаги қўшимча қелишувни имзолашга мажбур қилганилиги, бу қўшимча қелишувнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114,116,122, 123-моддаларига мувофиқ ҳақиқий эмаслиги ва унинг ҳақиқий эмаслигидан ташқари бошқа ҳеч қандай оқибатлар вужудга келтирмаслиги тўғрисидаги важлари ҳам текширилмаган.

Ишнинг 84-варағидаги жавобгар томонидан тақдим этилган маълумотномага қараганда 2005 йил 1 май ҳолатига, кредит ва фоизларни қоплаш учун даъвогарга 644133999,48 сўм тўланган, кредит шартномаси буйича жами тўлашни лозим бўлган сумма эса 794931875 сўмни ташкил этади.

Бундан жавобгарнинг 2005 йил 1 май ҳолатига тўланмай қолган қарзи 150797900,52 сўмдан иборат эканлиги кўринади.

Даъвогар даъво аризасида 2002 йил 20 декабрдан 2004 йил 15 октябрга қадар, яъни қўшимча қелишув қабул қилинган муддатга қадар кредит буйича тўланмасдан қелинаётган 113155718 сўм муддати ўтган устама фоизни ундиришни сўраган.

Томонлар ўртасида 2004 йил 15 октябрда тузилган қўшимча қелишувга асосан жавобгар томонидан тўланмай қолган кредитнинг асосий суммасидан 248390602 сўм қарзини тўлаш муддати 2006 йил 2 февралгача узайтирилган ва даъвогарнинг ҳисоб-китобига кўра (ишнинг 34-варағи) ушбу сумма муддати ўтган фоизлар ҳисобланган давр ичида умуман қопланмаган.

Жавобгарнинг қайд этилган важлари биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан умуман муҳокама қилинмаган.

Кассация инстанцияси эса бу важларни қанчалик асослигини текширмасдан, уларни рад этувчи асосларни кўрсатмасдан, улар билан қелиша олмаслик ҳақида барвақт хулосага келган.

Ишга "Асакабанк" Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган "Транс Эксим" МЧЖнинг кредитдан бўлган қарзлари тўлашни талаб қилинган хатлар илова қилинган бўлиб, бу хатларда қарздорлик суммалари ҳар хил кўрсатилган. Жумладан, 2005 йил 21 июлдаги 11/1458 сонли хатда кредитдан бўлган асосий қарз суммаси 84332258,32 сўмни, кредитга ҳисобланган фоизлар 141756879,28 сўмни ташкил этиши қайд этилган бўлса, 2005 йил 25 июлдаги бир хил қилиш рақами билан юборилган иккита хатда кредитдан бўлган асосий қарз миқдори 54304577 сўм, унга ҳисобланган фоизлар эса 132325108,32 сўмдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Кассация инстанцияси томонидан ушбу хатлар ўрганилмаган, уларда қарздорлик ҳақида кўрсатилган қарама-қарши маълумотлар муҳокама қилинмаган.

Бундай ҳолда иш ҳолатлари етарлича аниқланмасдан, даъвогар томонидан маълум бир давр учун билдирилган даъво талабларини ҳал қилишда ушбу даврдан даъво ариза билан мурожаат қилинганга қадар жавобгар томонидан кредит шартномаси мажбуриятлари қисман бажарилганлик ҳолати инобатга олинмасдан, низога оид ҳужжатларга етарлича баҳо берилмасдан, моддий ҳуқуқ нормаси нотўғри қўлланilib қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб иш янгидан мазмунан кўриш учун юборилиши лозим.

— Кеч бўлса-да, низо, ҳақиқат қарор топадиган кўринади, деб турганимизда гапдаги бир иш юз берди, - дейди автокорхонанинг суддаги ишончли вакили Р. Арипов. — Орадан уч кун ўтгач, Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари ўзи киритган протестни қайтариб олди. Очиги, шунча йиллик иш тажрибада бунақасини сира кўрмаганман...

Ҳақиқатан ҳам жуда қизиқ ҳолат. Шундай эмасми? Балки, бунинг биз билмаган "сабаблари" бордир. Ҳар ҳолда ўта жиддий маъмурий идора раҳбарларидан бирининг бундай ҳаракатини тушуниш қийин.

Ана шундай ўйлар билан ДАТ "Асакабанк"и Самарқанд

вилоят филиали раиси С. Нурмуродовга учрашдик. У хотиржамлик билан:

— Биз ҳақимиз, - деди ва филиал юристига тегишли ҳужжатлар билан таништириш тўғрисида топшириқ берди.

Худди шундай гапни масъулият чекланган жамият директори А. Раҳимовдан ҳам эшитдик. Банк филиали ҳуқуқшуноси Холмўмин Тиловов эса, "биз мониторинг ўтказдик. Корхона тушумларини қамайтириб кўрсатган" деса, автокорхона бош ҳисобчиси "биз солиқ инспекцияси билан биргаликда ўтказган мониторинг хулосалари асосида ишляпмиз" дейди.

Хуллас, ҳамма ўзича ҳақ. Биз тегишли ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек, томонлар вакиллари билан суҳбатлар чоғида бир жиҳатга етарли аҳамият берилмаётганига амин бўлдик. У ҳам бўлса, кредит беришдан мақсад ўзи нима, деган асосий савол кўпчиликини қизиқтирмаётганидир. Бундан ташқари, на банк, на мавжуд ишни кўриб чиққан судлар автокорхонанинг вилоятдаги айрим қишлоқ ҳўжалиги корхоналаридан 274 млн. сўмлик дебитор қарзи борлиги, бу маблағ корхона ҳисобига кирим қилинса, унинг молиявий ҳолати деярли ижобий ҳал бўлиши ва банк қарз деб кўрсатилган маблағлардан қутулиши мумкинлигига ҳеч ким эътибор қаратмаётган кўринади.

Маълумки, банклар иқтисодий имтиёзнинг қон томирлари ҳисобланадилар. Улар фаолиятисиз замонвий ишлаб чиқаришни, ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмади. Молиялаштириш маблағлари ҳар қандай корхона учун сув ва ҳавода зарур. Шу боис республика Марказий банки томонидан Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча банклар тадбиркорларга, хусусий сектор вакилларига кўмакдош бўлишлари лозимлиги қайта-қайта тақдорланаётган бир пайтда 200 дан зиёд фуқаро меҳнат қилаётган жамоа қорхонаси "Асакабанк" Самарқанд вилоят филиали раҳбарларининг турли "ўйин"лари туфайли қарздорлик боткоқидан чиқолмапти. Яхши ниятда олинган кредит маблағларини қайтариш ўрнига турли идораларнинг бир эълон қилиниб, бир қайтариб олинмаган қарорлари туфайли ўз фаолиятини ўнглаб олмамапти.

Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари орадан уч кун ўтгач қайтариб олган протестидан алоҳида таъкидланганидек, "Жавобгарнинг қайд этилган важлари биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан умуман муҳокама қилинмаган. Кассация инстанцияси эса бу важларни қанчалик асослигини текширмасдан, уларни рад этувчи асосларни кўрсатмасдан, улар билан қелиша олмаслик ҳақида барвақт хулосага келган".

Нега?

Эки банк филиали ўзи қабул қилган қарорини нега ўз миқозидан сир тутган? Бундай қилишдан мақсад нима ўзи?

Хуллас, саволлар кўп. Уларга эса қилин қирқ ёрувчи ҳуқуқшунослар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мутасаддилари аниқ-тиниқ жавоб қайтардилар, деган умидимиз.

Республикаимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар, Президентмиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари мулкдорлар сафининг тобора кенгайиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиғи қишлоқ ҳўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда.

Қассобга мой,

Эчкига жон...

■ Аъзам ҚОДИРОВ

Давлат бюджети шаклланишида ҳам тадбиркорлик субъектларининг салмоқли ҳиссаси бор. Аммо юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эканлигига қарамай, айрим назорат қилувчи идоралар ходимлари жойларда қонун ва фармонлар ижросини таъминлаш ўрнига тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янада кенгайишига тўсиқ бўлмоқдалар. Бу билан улар ўзларигагина эмас, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам зарар келтирмоқдалар.

— Бошқармаимиз томонидан тадбиркорликка оид қонун бузилиши ҳолатларига чек қўйиш мақсадида биргина шу йилнинг 1-чораги давомида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ижроси мажбурий бўлган 98 та тақдимнома, тадбиркорлик субъектларидан асоссиз равишда ундириб олинган пул маблағларини ўз эгаларига қайтариш тўғрисида судларга 523 та (1,5 миллиард сўмликка яқин) даъво аризаси киритилди, - дейди Андижон вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Г. Алиев. — Назорат қилувчи ва бошқа идораларнинг жами 78 та мансабдор шахсига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари белгиланди.

Текширув чоғида, жумладан, айрим ҳолларда давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил давлат бюджетди параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2005 йил учун жисмоний шахсларга ҳисобланганидан мол-мулк солиғи буйича қўлланадиган солиқ миқдорлари, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи йиғимлар ва айрим товарларни сотиш учун берилмаган лицензия, шу жумладан, алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқларини берувчи йиғимлар, солиқ миқдорларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида белгиланган қатъий солиқ ставкалари нотўғри ундирилганлиги аниқланди.

Жумладан, Улғунор туманида фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркор С.Исломов 2005 йил 5 июль кунини давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркорлик фаолиятининг тегиримончилиги тури билан шугулланиб келган.

Тегишли ҳужжатлар талабларига асосан бундай тадбиркорлик тури билан шугулланувчи фуқароларга бир ойга энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорда қатъий солиқ ундирилиши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, С.Исломовга 2005 йил 14 ноябрь кунига қадар 91325 сўм миқдордаги қатъий солиқ ҳисобланган бўлса-да, Улғунор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 101155 сўм, яъни 9830 сўм ортиқча солиқ ундириб олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия бошқармаси киритган даъво аризаси вилоят ҳўжалик судига кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди. Асоссиз равишда ундириб олинган пул маблағи эгасига қайтарилди.

Асака тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эи фаолиятини ўрганиш давомида Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Хусусан, туман ДСЭМН бош врач Ш. Асамутдиновнинг 2005 йил 8 июлдаги "Тақиқлаш, тўхтатиб қўйиш тўғрисида"ги 42 сонли қарорига асосан, Қўжган қишлоғидаги тадбиркор И. Абдураҳимовга қарашли хусусий тижорат дўкони фаолияти ноқонуний равишда тўхтатилган. Худди шундай қарор билан Д. Ботировнинг қассобхонаси, Намуна қишлоғидаги тадбиркор Н.Қодировга тегишли тижорат дўкони, Тўрттош қишлоғидаги И. Араповга, Қўнғирот қишлоғидаги Д. Раҳмоновга тегишли қассобхоналар, Неъматобод қишлоғидаги тадбиркорлар С. Абдулбоқиев, Э. Маматқаримов, Ю.Бекелдиев, А.Қурбонова тегишли сартарошхоналар, Юқори Бўз қишлоғидаги Б. Эргашевнинг хусусий тижорат дўкони фаолиятлари ноқонуний тўхтатилган.

"Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг Андижон худудий бўлими томонидан хоржий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий химоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси ва уларда ўтказилган текширишлар, қўллангани раъсир чораларининг қонунийлиги ўрганилганида, инспекциянинг Андижон худудий бўлими томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро имтизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш қилиниш ва ижро назоратини ташкил этиш буйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорларида белгиланган қоидалар талаби буйича «Ойимтекстиль», «Андижон-Ун» ва бошқа бир неча қўшма корхоналар мурожаатларига қонунда белгиланган тартибда жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди ва уларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритилди.

Республикада кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун барча шароитлар яратилган бир шароитда жойларда мавжуд қонунларга тўлиқ амал қилинмапти. Урнатилган тартиб-интизомни бузиш, қонунни четлаб ўтишга уриниш ҳоллари учраб турибди. Бу эса, ўз навбатида ўзини, оиласини боқаятган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган мулкдорлар фаолиятининг ривож топишига тўсиқ бўлаяпти.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, вилоятдаги айрим назоратчи идоралар қонун ва меъерий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўрнига ўз "план"ларини бажаришга берилиб кетган қўриқларда. Айтишади-ку, қассобга мой, эчкига жон қайғуси, деб...



Мутахассисларимиз Туркия, Германия ва Ҳиндистон давлатларида бўлиб, малака оширмоқдалар.



Ўнлаб зардўз, патдўз, тикувчи аёллар йирик саноат корхоналари билан ўзаро шартнома тузиб, ўз уйларида бемалол касаначи сифатида ишлайдиган бўлишди.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



ИНСОН ЎЗ БУРЧНИ БАЖАРАР ЭКАН, ЎЗИ ҚИЛАЁТГАН ИШИГА МУҲАББАТ БИЛАН ҚАРАЙДИ

Сўз ва иш бирлиги таъминланган жойда

янги муваффақиятларга йўл очилаверади

Андижон вилояти партия кенгашида бўлганимизда, ип-йигирув ва тўқув фабрикасида сиёсий-тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди. Бу — бежиз эмас, албатта. Жамоода меҳнат қилаётган 1500 нафар ишчи-хизматчининг 381 нафари O'zLiDeP аъзоси эканлиги ҳам кўп нарсадан дарак беради. Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ҳайитбой Абдулҳакимов иш фаолиятини Андижон трикотаж фабрикасида оддий бичувчиликдан бошлаган.

■ Аъзам КОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Ҳарбий хизматдан қайтгач, ушбу жамоада тўқув, бўёқ цехлари устаси, Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари, сўнг бош директори, вилоят енгил саноат корхоналари директорлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. Хуллас, унинг ҳаёти ва фаолияти мамлакатимиз енгил саноати билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда жамоада амалга оширилган ўзгаришларда Ҳайитбой аканинг алоҳида ҳиссаси бор. Катта ташкилотчилик самараси ўлароқ, ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражаси яхшиланиб, уларнинг маънавий савияси ўсиб борапти.

— Сиёсий партиялар фаолиятида бошланғич ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Ҳ. Абдулҳакимов. — O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш учун бошланғич ташкилот етакчиларидан катта масъулият талаб этилади. Яъни сиёсий-тарбиявий ишларнинг самараси кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги маърузасида, жумладан, куйидагиларни таъкидлаган эди: «Бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нима ҳисобдан ғалаба қилди? Мен бу саволга, авваламбор, амалий ишлари, аниқ дастури билан, деб жавоб берган бўлардим. Бу партия қисқа давр ичида

қандай қилиб халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, Ўзбекистонни тараққий топган давлатлар қаторига қўйиш, иқтисодий юксалишга эришиш мумкин, деган масалалар бўйича ўз гоё ва мақсадларини кўпчиликнинг онгига сингдириб, уларнинг ишончини қозона олди», деган гаплари ҳали-ҳануз ёдимизда.

— Дастлабки кезларда аъзоларимиз сони бор-йўғи беш нафардан иборат эди, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Зокиржон Султонов. — Ҳозирги кунда тўрт юз нафарга яқинлашиб қолди. Бу, албатта, O'zLiDeP аъзолари жамоа ҳаётига ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолатдир.

Корхонамиз 1983 йили Чинобод ип-йигирув ва тўқув фабрикаси сифатида ташкил топган. Кейинчалик «Алишер Навоий Интернешнл» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига айлантирилди. «Марказий Осиеда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» фонди билан ҳамкорликда 5 млн. АҚШ долларини миқдоридagi биринчи инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Самара ҳам шунга яраша бўлади. Агар илгари йилига 1 млрд. 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, инвестиция жалб қилингандан сўнг, ушбу кўрсаткич 8 млрд. 100 млн. сўмни ташкил қилди. Экспорт ҳажми 3 млн. 100 минг АҚШ долларига етди.

Корхона маҳсулотлари, асосан АҚШ, Бельгия,

Партия тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти ялли миллий маҳсулотнинг яратилишида етакчи ўрин эгаллаши ҳамда фуқаролар фаровонлигини оширишда асосий омили бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Партия бу масалаларнинг ечими, авваламбор, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кўп иқтисодиётини ривожлантириш орқали ҳақиқий мулкдорнинг шакллантирилиши билан боғлиқ, деб билади. Мулкдорлар қатлами жамият ҳаётини ва давлат тизимини демократик асосларда янгилаш ва янги иқтисодий тизимни тараққий эттиришда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажаради.

O'zLiDeP Дастуридан

Жанубий Корея, Туркия, Россия, Латвия, Литва, Италия, Чехия, Швейцария, Польша каби ривожланган мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулот рекламасини амалга ошириш ва бозор маркетингини урганиш мақсадида Жанубий Корея ва Туркия давлатларида савдо уйлари очилган. Ташқи экспортнинг 60 фоизи ушбу савдо уйлари орқали амалга оширилмоқда.



Зокиржон СУЛТОНОВ, 1956 йилда Балиқчи туманидаги Олимбек қишлоғида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Айни пайтда тумандаги Алишер Навоий номи ип-йигирув ва тўқув акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш пехи бошлиғи, O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Иккинчи инвестиция дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича 9,2 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, Германиянинг «Трушлер» ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «Жинг Вей Машинери Ко ЛТД» фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган технологик ускуналар сотиб олинди. Наврўз байрами арафасида улар тўлиқ ўрнатиб бўлинди. Бунинг натижасида Чинобод қишлоғида 350 та кўшимча иш ўрни яратилди. Йиллик маҳсулот тайёрлаш ҳажми қарийб икки бараварга кўпайди. Экспорт миқдори эса 3,2 млн. доллардан 7 млн. долларга ортиди.

— Корхонада иш уч сменада ташкил қилинган. Тушлик овқат — бепул. Мутахассисларимиз Туркия, Германия ва Ҳиндистон давлатларида савдо уйлари очилган. Ташқи экспортнинг 60 фоизи ушбу савдо уйлари орқали амалга оширилмоқда.

Дастури ва гоёларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда, — дейди партия фаолларидан бири, меҳнатга ҳақ тўлаш бўлим бошлиғи Хамидхон Жўраева. — Маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари, мавжуд корхона ва идоралар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бу эса, турли ҳаётий тадбирларни амалга оширишда қўл келаяпти. Чунончи, Наврўз байрами кунларида 12 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бири учун банкда 10 минг сўмлик ҳисоб varaқлари очилди. Фақат шунга эмас.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси учун 7 млн. сўм, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларига 2 млн. сўм, Шаҳрихон футбол клуби эҳтиёжлари учун 1 млн. сўм маблағ ажратилди. Корхона ишчиларининг

касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳам диққат марказида. Қорадарё, Норин, Қолган дарёлари туташган жойда «Уч соҳил» ёзги болалар оромгоҳи қурилиши учун корхона томонидан 84 млн. сўм маблағ ажратилган эди. Ҳозир бу ерда 200 нафарга яқин ўғил-қиз маданий ҳордиқ чиқариб, ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. 80 млн. сўм маблағ ҳисобига Чинободда 30 ўринлик санаторий-профилакторий бунёд этилди. Корхона ишчи ва хизматчилари бу ерда имтиёзли равишда даволанишлари ва саломатликларини тиклашлари мумкин.

Хуллас, корхонадаги қизғин меҳнат жараёни ҳеч қандай бефарқ қолдирмаслиги турган гап. Бу ерда ишлаш орзусида юрганлар ҳам анчагина. Зеро, жамоа ўртасида чин маънодаги рақобат ва аҳиллик қарор топган. Ғийсбек Худойбердиев, Ҳавохон Ўрмонова, Баҳромжон Исмоилов, Исмоилжон Сиддиқов, Шавкатбек Кўшоқов каби фаоллар эзгу мақсад йўлида маҳкамроқ жипслашиб, партия гоёларини тарғиб ва ташвиқ қилиш йўлида куч-ғайратларини аямаётдилар. Шу боис, қалбларидидаги изланиш ва яратилиш иштиёқи тобора янги қўлам касб этмоқда.

Менда тақлиф бор

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасини яна бир бор эсга олсак, унда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёни чуқур таҳлил этилганига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш борасида эришилган ютуқлар умумлаштирилиб, мавжуд камчиликлар, танқидий нуқтаи назардан ҳолис баҳоланганига иқрор бўламиз.

Ҳаёт ичига чуқурроқ кириб борилса...

■ Уйғун АБДУРАХМОНОВ, Сирдарё вилояти ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи

Ўтган йиллар мобайнида иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда демократик тамойилларни шакллантириш юзасидан муайян тажриба тўпланди. Аммо, асосий вазифалар ҳали олдинда. Бинобарин, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларимизнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш йўлида барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш талаб этилади.

Албатта, мавжуд ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини рўйбга чиқариш борасида фуқаролик жамиятлари институтлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Улар ичида энг фаоли, энг катта имкониятларга эга бўлгани — бу сиёсий партиялардир.

Масалала ана шу нуқтаи назардан ёндашилган бўлса, бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий ислохотлар жараёнидаги ўрни ва ролини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди.

Аммо, очигини айтганда, мавжуд сиёсий партиялар, жумладан, O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлардан тўла қаноат ҳосил қилишга ҳали эрта. Кузатишларимга қараганда, ушбу партиянинг жойлардаги бугунги асосан турли кечалар, учрашувлар ўтказиш билан чегараланиб қолмоқда. Тўғри, бу ҳам керак, улар партия Дастури ва гоёларини кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутади. Бироқ ҳар бир ишда тегишли меъёр бўлгани яхши. Қолаверса, аҳолининг муайян қатлами истиқомат қилаётган олис қишлоқлар партиявий таъсир доирасидан четда қолаётгани ачинарли ҳолдир. O'zLiDeP оммавийлик ва сиёсий фаоллик сари интилар экан, бу масалани эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Яна бир тақлиф. Янги партия аъзоларига тегишли гувоҳномаларни топиришга бағишланган маросимларни иложи борича байрамона руҳда ўтказиш керак. Токи партия гувоҳномаси оддий бир ҳужжат эмас, балки уни қўлга олган одам ўзини жамиятнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланганини ростмана ҳис этсин.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида партия халқаро иқтисодий интеграциялашу ва жаҳон бозорларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кенгайтириш учун мақбул шароитларни яратишга интилади.

O'zLiDeP Дастуридан

O'ZLIDEP ОДИМЛАРИ



2006 йил 29 июнь
Пайшанба
26 (132) — сон, www.21asr.com

O'ZLIDeP ODIMLARI

Боғимусолик бунёдкорлар

Пешку туманида барчага ўрнатилган бўлишяпти

— Жойлардаги партия аъзоларимиз эл-юртга кўпроқ манфаат келтирувчи ишлари, оқиллик, фаоллик ва фидокорлик фазилатлари билан омма қалбига чуқурроқ кириб бораётганлар, — дейди ўзаро суҳбатда O'zLiDeP Пешку туман кенгаши раиси ўринбосари Олимжон Жамолов. — Айниқса, яқинда яқунланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловда бу ҳолат яққол кўзга ташланди. 35 та кишилик ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан 29 таси оқсоқоллигига O'zLiDeP аъзолари сайландилар. Яна уларнинг ҳар бири 3 нафардан то 5 нафаргача номзод орасидан танланиб, яқдил овоз олишди. Маслаҳатчилар таркибида ҳам бизнинг партиямиз аъзолари аксарият кўпчиликни ташкил этди.

■ Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

Боғимусо — тумандаги энг йирик ва аҳоли анча зич жойлашган қишлоқ. Унда 3,5 мингга яқин аҳолини жамлаган 889 та оила истиқомат қилаёпти. Шундай экан, бу жойда кундалик иш, яшаш ва турмуш иқри-чиқирлари билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзига яраша бўлиши аён. Одил Раҳмонов таъбири билан айтганда, булар — "Тинч-фаровон, ахил-иноқ яшаш, фарзандлар камолини кўриш, ободликка ва тўй-томошага эришиш борасидаги орзу-хавасларимиз бисёр".

Худудда 2 та мактаб, 2 та боғча, 2 та тиббиёт маскани, ўнлаб савдо дўконлари, 1012 гектар экин майдони бор. Мулк шакли ўзгаргач, бунда 41 та пахтачилик, дончилик, 22 та боғдорчилик ва

18 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шунингдек, 51 та хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

— Ана шундай серқирра ва муҳим ишларни бажаришда O'zLiDePнинг 34 нафар аъзоси бош-қош бўляпти, — дейди Боғимусо қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли, O'zLiDeP худудий бошлангич партия ташкилоти раиси Одил Раҳмонов. — Масалан, пешқадам тадбиркорлардан 12 нафари, энг илғор фермерлардан 13 нафари партиямиз аъзосидир. Шуниси қувончлики, бугун уларнинг барчасини тармоқларнинг олдинги сафларида кўриш мумкин.

Масалан, O'zLiDeP фаоли Ражаббой Хасанов саъй-



Одил РАҲМОНОВ, 1965 йилда Пешку туманидаги Боғимусо қишлоғида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтини тамомлаган. Қурувчи-муҳандис. Тумандаги 6-КМК бўлим бошлиғи, вилоятдаги «Техлойнхакурилиш» ташкилотиди иш юритувчи, «Боғимусо» ширкат хўжалиғида қурувчи-муҳандис, Боғимусо қишлоқ фуқаролар йиғинида оқсоқол бўлиб ишлаган. Айти пайда O'zLiDeP худудий бошлангич ташкилоти раисидир.

тиришда кўпчиликка намуна бўляпти. Даромади ҳам чакки эмас. Бунинг устига Нилуфархоннинг ўзи туманда энг номдор тикувчи-бишувчи. Шу сабабли, фермер хўжалиғи хузурида "Ўқув-ишлаб чиқариш маркази" ҳам фаолият юритаёпти. Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй бекаларига касб-хунар ўргатишга йўнал-

тирилган бу марказда ҳар йили ўнлаб қиз-жувонлар бичиш-тиқиш сирларини ўзлаштирмоқдалар.

Бугун партия фаоллари Ориф Раҳмонов, Феруз Саидов, Маҳкам Жабборов, Жўракул Мирзаев, Элмира Мирзаевалар бошқараётган "Нурафшон-2001", "Қаюм-Саид", "Вали Жаббор", "Жаҳонбод", "Дурдона Кувонч" каби фирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятини ҳам барчага ўрнат қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири 25-30 кишига сердамомад иш топиб бераёпти. Шунча оиланинг дастурхонига файз-барака кираёттир.

Шу ўринда ўзига хос бир мисол. Партия аъзоси Ҳамид Омонов "Агросаноат" мажмуи ходимлари касаб уюшмаси туман кенгашида бош ҳисобчи бўлиб ишласа-да, қишлоқ худудий

"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича кўплаб хайрли ишлар қилинди. Аввало, қишлоқ фуқаролар йиғини ва бошлангич партия ташкилоти хузурида ишчи гуруҳи томонидан тузилган фармон ва қарор аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ этилди. Оилаларда сўровнома ўтказилди. Шу усулда йиғин худудида чорва моллари боқаетган ва боқмаётган оилалар, улардаги шартшароит ҳам батафсил ўрганилди.

Натижада ўнлаб зардўз, патдўз, тикувчи аёллар ва дурадгор, эшик-дерзасоз, косиб эркалар йирик саноат корхоналари билан ўзаро шартнома тузиб, ўз уйларида бемалол касаначи сифатида ишлайдиган бўлишди. Жорий йил пилла мавсумида 107 оилада кўрт парваришланди. Улардан Кубфия Тоҳирова, Садоқат Раҳмонова, Умрия Усмонова, Эркин Зарипов

каби жами пиллачиларнинг қарийб ярмиси касаначилик мақомига эга бўлди. 850 та қорамол боқаетган оила соҳибларидан 51 нафарига доимий "Иш билан банд" мақоми ва меҳнат дафтарчаси берилди. Кам таъминланган ва кўп болали Дилором Раҳимова, Саври Рўзиев, Ақмал Шароф, Илёс Қурбонов, Фаффов Бўронов оилаларига саховатпеша ҳомийлар томонидан соғин сигирлар олиб

берилди. Бу тадбирларни юқоридаги фармон ва қарор талаблари асосида Одил Раҳмонов, йиғин маслаҳатчиси ва мутахассиси — O'zLiDeP аъзолари Фароғат Жумаева, Маҳтоб Турдиева бош-қош бўлиб амалга оширдилар.

Яна бир жиҳат. Жорий йилнинг ўтган даврида 2 ёшгача боласи бўлган 519 онага 9 млн. 757 минг 200 сўмлик ва 18 ёшгача болалари бўлган 159 оилага 11 млн. 987 минг 200 сўмлик нафақа пуллари берилди. Ёки 18 нафар I ва II гуруҳ ногиронига каттагина микдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Янги йил, Хайит, Наврўз кунларида фахрийлар, кам таъминланганлар ва яқка-ёлғизларга байрам дастурхонлари ёзилди. Бунда қишлоқнинг йирик тадбиркорлари, айниқса, партиядош Маҳкам Жабборов, Алишер Ҳакимов, Абдулла Турсунов кабилар алоҳида ҳиммат-саховат кўрсатишди.

Шундай қилиб, бугун боғимусолик ҳар бир тадбиркор ё фермернинг ҳам, касаначи ёки бирор эҳтиёжманднинг ҳам, хуллас, кексаю ёш — барчанинг кундалик ҳаёти, қувончу ташвишлари бевосита қишлоқ фуқаролар йиғини ва худудий бошлангич партия ташкилоти фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетди. O'zLiDeP аъзолари эса, ушбу қайноқ жараённинг бош ҳаракатлантирувчи ва бунёдкор қучига айланиб бораёпти...

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ



**Мамлакатимизда
фаолият юритаётган
барча оммавий ахборот
воситалари ходимларини
касб байрамлари билан
самимий муборакбод этади.
Мустақил юртимиз
тинчлиги ва осойишталиги,
иқтисодиётимиз равнақи,
халқимиз бахт-саодати
йўлида қалам тебратаётган
ижодкорларга сиҳат-саломатлик,
куч-ғайрат, жўшқинлик тилайди.**

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ**

ХАЛҚЛАР муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун ҳаётларининг негизда таракқиёт ғоялари ётиши керак

ЖАРАЁН

Тадбиркор манфаати йўлида

Республика Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси тадбиркор ва ишбилармонларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида ибратли ишларни амалга оширмакда. Мухбиримиз мазкур бошқарма юридик хизмати бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, O'zLiDeP аъзоси И. МАРДОНОВ билан бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ҳусусида суҳбатлашди.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

— Исок Мардонвич, маълумки, 2005 йилда тадбиркорлар, инвесторлар, яъни сармоядорлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар ва имтиёзлар бўйича ахборот банкни яратиб, бу маълумотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тижорат-савдо субъектларига етказиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган эди. Айтинг-чи, бу боралдаги ишларнинг натижалари қандай бўлишди?

— Утган йили соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда сармоядорларнинг ҳуқуқлари, даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ер солиғи, давлат бож, акциз солиғи ва бошқа солиқ турлари, валюта тушумининг муайян қисмини мажбуран сотиш, инвестиция лойиҳалари, экспорт-импорт ва кредит имкониятларидан фойдаланишда давлат томонидан белгиланган имтиёз ва кафолатларга оид қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг рўйхати ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар жамлаб, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги ахборот-маслаҳат марказлари орқали хўжалик субъектлари ва тадбиркорларга етказилмоқда. Бундан ташқари, тегишли қонун ва қону-

ности ҳужжатларини тушунтириш бўйича давлат назорати органлари ва инфратузилма тизимидаги мутаассадди идоралар билан ҳамкорликда жойларда семинар-машғулотлар ўтказаямиз.

— Ўзаро мулоқотлар чоғида хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари асосан қандай тақлиф ва мулоҳазаларни ўртага ташламоқдалар?

— Билдирилаётган тақлифлар атрофлича ўрганилиб, ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қилинапти. Масалан, соҳа ходимлари кўп ҳолларда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ҳуқуқий ақтларни янада тақомиллаштириш зарур, деб ҳисобламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бундай хўжаликларда ишлайдиган ёлланма ходимларнинг қароланган иш ҳақи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси масалалари ҳамда олинган даромад (фойда) тақсимотидаги муаммолар барчани қизиқтирмакда. Тадбиркорлар ҳам, фермерлар ҳам тилга олиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш зарур, деб ҳисоблашадди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар ва хусусий бизнес вакиллари тақлифига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини хориждан келтириб сотишда бож пошлинаси солиқ тўловлари юки минимум ва ҳатто ундан паст даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан шундай вазият, биринчидан, аҳолининг реал даромадига ижо-



бий таъсир кўрсатади, иккинчидан янги ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш, реконструкция қилиш жараёнини тезлатади. Тўғри, мавжуд қонунийлигимизда тадбиркор ўз эҳтиёжи учун олиб келадиган воситаларига нисбатан имтиёзлар белгиланган. Аммо теъкор замон йил сайин янги-янги эҳтиёжларни юзага келтирмакда. Уларни инобатга олмастик эса мумкин эмас.

— Тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида жамоатчилик кенгашларининг ўрни ва роли қандай, деб ўйлайсиз?

— Юртбошимизнинг тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ишбилармонлар фаолиятига асосис аралашувларнинг олдини олишга қаратилган фармон ва қарорлари жойлардаги жамоатчилик кенгашлари ишига ҳам муҳим омил бахш этди. Улар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда катта куч эканликларини амалда намоён этмоқдалар. Вақти-вақти билан ша-

ҳар ва туманларда ўтказиб келинаётган жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида текширишлар давомида учраб турадиган айрим камчилик ва нуқсонлар, ишонч телефонлари ва ишонч қутилари орқали келиб тушадиган мурожаатлар атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилаяпти.

Маълумки, назорат қилувчи органлар томонидан у ёки бу тадбиркорлик субъекти фаолияти текширилганда, "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" белгиланган тартибда тўлдириб қўйилиши зарур.

Афсуски, ана шу оддий қоидага ҳар доим ҳам риоя қилинапти, деб бўлмайди. Жумладан, Вобкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда ушбу тумандаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари ўз фаолиятлари давомида, аниқроғи, текширишлар жараёнида ана шундай камчиликка йўл қўйишган. Улар тумандаги 200-хўжаликлараро кўча механизациялашган жамланмаси ОТАЖда, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ўтказилган текшириш натижалари юзасидан ушбу корхоналарнинг "Текширишларни рўйхатга олиш китоблари"ни белгиланган тартибда тўлдиришни "унутиб"

қўйишган. Олот тумани ер ресурслари бўлими томонидан 2005 йилнинг октябрь ойида "Собирова Авлиёқул", "Иномжон" фермер хўжаликларида ўтказилган текшириш жараёнида ушбу назорат органининг мансабдор шахслари амалдаги қоидаларга мувофиқ тегишли тилхат қоғозини беришни ўзларига эп кўришмаган.

2005 йилнинг декабрь ойида Олот тайёрлов савдо ширкатида ҳамда 2006 йилнинг январь ойида "Фарид Шарипов" хусусий фирмасида ўтказилган текшириш жараёнида ҳам белгиланган тартибга амал қилинмаган.

— Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузурида ўз ишини бошлаган ҳақамлик судининг ҳуқуқий асослари тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосан давлат органлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Бироқ фуқаролик жамиятида ҳудди шу муҳим вазифани нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам ўз зиммаларига олишлари мумкин. Ана шундай фуқаровий институтлардан бири ҳақамлик судидир. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ҳақамлик суди фуқаровий ва хўжалик муносабатларига оид низоларни ҳал қилишнинг энг афзал усулидир. Ҳақамлик судлари мурожаат тарзда иш кўриши, бунда давлат пошлинаси тўлаш заруратининг йўқлиги, шунингдек, ушбу суд қарорини ижро этишнинг иштиёрийлик тамоили, агар бунга амал қилинмаса, қарорни мажбурийлик асосида ижро этириш кафолати каби қулайликлари тадбиркорлар учун айти мумкин.

Ривожланган давлатларда фуқаровий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг 70-80 фоизи давлат судларида эмас, балки ҳақамлик судлари орқали кўриб чиқилиши бежиз эмаслиги, сабаби ҳам ана шунда. Бинобарин, бошқармани ушбу судлар билан яқин алоқада фаолият юритишга ҳаракат қилаяпти.

Сўранг, жавоб берамиз Саволларга ҳуқуқшунос Асхор БЕРДИМУРДОВ жавоб беради.

Суд тартибидида ҳал қилинади

“Амакминнинг ўғли биз яшаётган уйда рўйхатда туради. Бир йил аввал Кореяга ишга кетган. Биз эса, эрим билан уйни сотмоқчимиз. Уни қандай қилиб рўйхатдан чиқарса бўлади? Шу ҳақда маълумот берсангиз”.

Марҳабо СОЛИҲОВА, Тошкент шаҳри.

— Маълумки, доимий яшаётган фуқаро турар-жойида вақтинча яшамаса ҳам бу жой Уй-жой кодексига асосан 6 ой муддат мобайнида унинг ҳисобида сақланиб туради. Фуқарони квартирадаги (уйдаги) турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топилган мазкур турар-жойида унинг 6 ойдан ортиқ муддат мобайнида узрли сабабларсиз яшаманганлиги асос бўлади. Фуқарони турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топилган турар-жой мулкдорининг ёки мулкдорлардан бирининг даъво аризасига биноан факат суд тартибидида амалга оширилади (Уй-жой кодексининг 54-моддаси).

Бу ҳақдаги даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқи жавобгар турар-жойни ташлаб чиқиб кетган кундан бошлаб 6 ой ўтганидан кейингина пайдо бўлади.

Пулингизни қайтариб олмоқчимисиз?..

“Мен фуқаролик иши бўйича биринчи инстанция судида иштирок этиш учун адвокат ёллаган эдим. 6 ой бўлдики, айрим сабабларга кўра, иш кўрилмасдан келмоқда. Энди мен келишув битимини тузиб, судлашшдан воз кечмоқчиман. Шу муносабат билан адвокатга тўлаган пулимни қайтариб олсам бўладими?”

Каримжон БОТИРОВ, Бухоро шаҳри.

— Фуқаролик ишлари бўйича адвокатнинг иштироки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси талабларига биноан иштиёрийлик асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур туркумдаги ишлар бўйича битим тузилади. Фуқаролик иши бўйича адвокатнинг миқоз билан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида тузган битими топшириқ шартномаси бўлиб, ФКнинг 823-моддасига кўра томонлар (адвокат ва миқоз) истанган пайтда топшириқ шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокатга тўланган гонорар суммаси ҳақиқий бажарилган ишнинг ҳажмига қараб, қисман ёки тўлиқ топшириқ берган (шартнома тузган) миқозга қайтариб берилиши лозим.

Тегишли кафолат ва имтиёзлардан фойдаланиш мумкин

“Жияним Фотима эри билан қонуний ажралишгач, бошқа кишига турмушга чиқди. Айти кунда улар доимий яшаш учун чет элга кетишган. Узимда фарзанд йўқ. Фотиманинг 4 яшар ўғлини мен тарбияляпман. Бунинг учун тегишли имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?”

Сайёра ПУЛАТОВА, Сирдарё шаҳри.

— Меҳнат кодексининг 238-моддасида белгиланганидек, аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолат ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллари бериш, имтиёзли иш режимидаги ўрнатилган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолат ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, узоқ вақт даволаниш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида гамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам таътиб этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолат ва имтиёзлар, шунингдек, ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилди.

Шартнома интизомии

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартнома тамойиллари деганда, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг асосини ташкил этувчи қоидалар тушунилади. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Улар қуйидагилардир:

■ Аброр АЗИЗОВ

— хўжалик шартномаларини тузиш эркинлиги;
— тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
— шартнома интизомига риоя этиши;
— тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

а) Хўжалик шартномаларини тузиш эркинлиги тамойили. Хўжалик шартномаси деганда тарафлардан бири шартлашилган муддатда товарларни бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш мажбуриятини, иккинчи тараф эса товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув тушунилади (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси).

б) Тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги тамойили.

Шартномалар эркинлиги тамойилининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда томонлар шартнома тузишда манфаатдор бўлсалар, шартномавий муносабатларга киришадилар ва унда ўз эркиродаларини ифода этадилар.

Тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги шартномада уларнинг эрки-иродасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва шартнома шартларида ўз ифодасини топади. Манфаатдорлик қонуний асосга эга бўлиши лозим. Агар манфаатдорлик гаразли мақсадларни кўзлабган бўлса, унда бундай шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди.

в) Шартнома интизомига риоя этиш тамойили. Бунда шартномада назарда тутилган шартлар ва талаб-

ларга иштирокчиларнинг қатъий амал қилиши тушунилади. Хўжалик шартномасига асосан тарафлар зиммадаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари лозим.

г) Тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги тамойили.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, тарафлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлаши, 25-моддага кўра эса, товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлиги, тўлиқ етказиб бермаганлиги, ишларни бажармаганлиги ёки хизмат кўрсатмаганлиги учун жавобгар шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди ва бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Мулкий жавобгарлик тарафларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни тўла-тўқис адо этишларини тақозо этади.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили” давлат дастурида тиббиёт масканларини замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига кенг ўрин берилган.

Тиббий хизмат сифати яхшиланади

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги шифохона жамоаси буни қалбдан ҳис этиб, беморларга намуналий хизмат кўрсатишга интиломоқда. Шифохонада амбулатория, поликлиника, жарроҳлик, кардиология, травматология, асаб хасталиклари, туғруқхона, болалар ва катталарга мўлжалланган бўлимлар мавжуд бўлиб, бу ерда бир йилда ўн мингдан ортиқ бемор даволаниш имкониятига эгадир. Бир кунда 500 кишига хизмат кўрсатилади. Кейинги пайтда реанимация бўлими талабга жавоб берамай қолган эди. Яқинда у ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бутунлай янгиланди, шунингдек, ультратовуш диагностикаси бўлими ҳам ташкил этилди.

БМТ ваколатхонасида матбуот анжумани

Дунёда ҳар йили минглаб кишилар гиёҳвандлик оқибатида ҳаётдан қўз юмишади. Афкор оммани жиддий хавотирга солаётган ушбу иллатга қарши кураш айти кундаги долзарб вазифалардан бирига айланганлиги бежиз эмас.

■ Элнора РАСУЛОВА

БМТ маълумотиға кўра, ҳозирда дунё миқёсида етиштирилаётган наркотик моддаларнинг етмиш фоизи Афғонистон ҳиссасига тўри келади. “Халқро гиёҳвандликка қарши кураш” қуни муносабати билан БМТ гиёҳвандлик ва жиноятчилик бошқармасининг Тошкентда жойлашган Марказий Осиё минтақавий ваколатхонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Йиғилишда таъкидланишича, кейинги пайтда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳамда ушбу заҳри қотилни сотиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар анча қисқариш кутилмоқда.

ДИҚҚАТ: ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ!

«ALAFIA» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, БАРЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси сизнинг манфаатларингиз йўлида «ALAFIA» адвокатлик фирмаси билан ҳамкорлик қила бошладди.

Агар Сиз ҳақ-ҳуқуқингиз ва қонуний манфаатларингизни тергов ва суд идораларида, барча давлат ташкилотларида ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, «ALAFIA» адвокатлик фирмасига мурожаат этинг.

«ALAFIA» адвокатлик фирмаси миқозларни ХЎЖАЛИК, ФУҚАРОЛИК, ЖИНОЯТ ва МАЪМУРИЙ ишлар юзасидан қабул қилади ва маслаҳатлар беради.

Сизларга 25 йиллик ва ундан кўпроқ иш тажрибасига эга бўлган таниқли адвокатлар малакали юридик хизмат кўрсатадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, “Нукус” кўчаси, 73а-уй. (Мўлжал: “Миробод” деҳқон бозори, “Капиталбанк” рўпарасида). Телефонлар: (8-371) 132-25-15, 132-10-89.


ИСЛОХОТ

КАФОЛАТ

ҚУТЛОВ


ТОЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК
ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Мустақил Ўзбекистонимиз
осмони ҳамisha мусаффо,
юртдошларимиз хонадони
тинч ва осойишта, дастурхонлари
тўкин бўлишига муносиб
ҳисса қўшаётган қаламкашларни
касб байрамлари билан қутлаб, уларга
сўхат-саюматлик, руҳий бардамлик,
жўшқин илҳом тилайди.




«ЎЗИККИПАМЧИРАНГЛИМСТАЛЛ» ЖАМОАСИ

Қадрли журналистлар, мамлакатимиз
иқтисодиётини барқарорлаштиришга,
юртдошларимиз турмушини
фаровонлаштиришга улкан ҳисса
қўшаётган ижодкор ҳамюртлар!
Сизларни матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари кунини
билан самимий муборакбод этамиз.
Оилангизга хотиржамлик,
ижодингизга баркамоллик тилаймиз.

«ДЕНОВЁГЭКСТРАКЦИЯ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Она юртимизнинг
барча ҳудудларида
фаолият юритаётган
оммавий ахборот воситалари
ходимларини касб байрамлари
билан муборакбод этади.
Одамлар онгини ўзгартиришга,
ёшларимизни миллий
истиқлол ғоялари асосида
тарбиялашга салмоқли ҳисса
қўшаётган ижодкор ҳамюртлар!
Сизларни Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунини билан
самимий муборакбод этамиз.
Оилангизга тинчлик-хотиржамлик,
ижодингизга баркамоллик тилаймиз!



**МАНФААТПАРАСТЛИК умумийликни
чиқиштирмайди, у одамни инсониятдан
ажратади, уни қийин аҳволга солиб қўяди**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АҚШ

Саробга айланаётган сиёсат

АҚШ энергетика стратегияси барбод бўлмоқда

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Америкалик олимнинг шахсий манфаатпарастлик руҳидаги "таълимот"ига амал қилаётган айрим сиёсатчилар ўз хатти-ҳаракатлари орқали бугун дунё тинчлигига таҳдид солишга уринаётдилар. Кузатувчилар фикрича, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудрати туфайли етакчи халқаро ташкилотлар устидан назорат ўрнатишга интилаётган АҚШ ала-оқибат халқаро саҳнада яққаланиб қолмоқда.

Холлис шарҳловчилар Вашингтоннинг, хусусан, глобал энергетика назоратини қўлга олиш соҳасидаги стратегияси нисбатан кичикроқ давлатлар манфаатларини буткул инкор этиш, масалани куч билан ҳал қилишга қаратилганини таъкидламоқдалар. Натижада дунёнинг айрим ҳудудларида зиддиятчи вазиятлар юзга келмоқда-ки, бу ҳол соғлом фикрловчи ҳар бир кишини ташвишлантириши турган гап. Айнан энергетика назорати соҳасидаги зўравонлик Ироқ мисолида яққол намоён бўлди. Ушбу мамлакатдаги ниҳояси кўринмаётган уруш эса мингмиглаб беғунох кишиларнинг ётишини кўришмоқда. Қараганки, АҚШ Яқин Шарқда демократия экспорти билан машғул бўлиб турган бир пайтда Форс кўрфази, Каспий, Африка ва энергия захираларига бой бўлган бошқа минтақалардаги аъёнаний устунликни қўлдан чиқара бошлади.

Вашингтоннинг энергетика манбалари устидан назорат ўрнатишга қаратилган уринишлари Грузия, Украина ва Қирғизистондаги хатарли "рангли инқилоб"ларни, Ўзбекистон ва Белорусда амалга ошмай қолган давлат тўнтаришларини қўллаб-қувватлаш жараёнида яққол намоён бўлди. Айнан шу омил Вашингтоннинг Африка, хусусан, Судан ҳудудида бекорорликни ҳамда Венесуэла, Боливия билан муносабатларда кескинликни келтириб чиқарди, дея ҳулоса ясашга имкон берди. Бирок Оқ уйнинг энергетик ҳукмронлик бобидagi стратегияси сўнгги ойлarda кескин қаршиликка учрамоқда. АҚШ томонидан "босим"га уратган мамлакатлар ўз энергетик манфаатларини ҳимоя қилиш учун иттифоқчилар излашга мажбур бўлмоқдалар. Агар воқеалар жараёни шу тарзда ривожланмайдиган бўлса, америкача "демократия экспорти" ўрнини бошқа қудратли давлатларнинг нефть ва газ экспорти эгаллаши ҳеч гап эмас. Бу гап, қўпгина иқтисодий кўрсаткичлар бўйича етакчи ўринларга чиқиб олган Россия ва Хитойга тегишлидир.

Ушбу гигантлар Вашингтондаги айрим сиёсий доираларнинг ошқора танқидига учраётганлиги бежиз эмас. Литвадаги саммитни эса олайлик. Ушунда АҚШ вице-президенти Дик Чейни ўз мазмунасида Россия президенти Владимир Путинни инсон ҳуқуқларини бузиш ва нотўғри энергетик сиёсат олиб боришда айблаган



бўлса, орадан бир неча кун ўтиб, давлат котиби Кондолиза Райс ҳам демократик ислохотлар ўтказишда Москвага босим кўрсатиш кераклигини тақдорлаган, кўп ўтмай Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида эса Осиёдаги "салбий куч", дея Хитойга илмок ташлаган эди. Қизиги шундаки, Америка сиёсатида гўё энергетика мавзуси устувор роль ўйнамайдигандек, Райс хоним Хитойни нефть сиёсати соҳасида қандайдасид "уйинлар" олиб боришда айблади. Бунинг номини сиёсатшуносликда инфорацион "хурж" дейилади. Ҳозирги кунда XXI асрнинг иқтисодий ва сиёсий қиёфасини белгилаб берадиган энергия захиралари Каспий, Марказий Осиё, Яқин Шарқ минтақаларида жойлашганлиги сабабли, инфорацион хуржлар ҳам айнан шу маконда содир бўлмоқда.

Юзага келган вазият нафақат учинчи дунё мамлакатларини, балки Россия ва Хитойни ҳам аниқ стратегик қадамлар ташлашга мажбур этмоқда-ки, бу ҳол Вашингтоннинг обрўига салбий таъсир кўрсатмай қолаётгани йўқ. Владимир Путин Федерал кенгашига йўллаган сўнгги мактубида Россия рубли конвертация қилиш, ундан нефть

ҳамда газ ҳисоб-китобларида фойдаланишни режалаштираётганини маълум қилган эди. Расмий Москва ўзининг олтин валютасида давлат захираларида Америка доллари улушини пасайтириш ва 40 млрд. долларни олтинга айлантириш ниятида эканлигини яшириб ўтирмади. Давлатга қарши "Транснефть" компанияси мамлакатдаги табиий газнинг ягона экспортчиси бўлиш учун газ қувурлари устидан қатъий назорат ўрнатди.

Дарвоқе, Россия табиий газ захиралари бўйича дунёдаги етакчи мамлакатдир.

Шу ўринда Фарбий Европа улзуксиз газ етказиб берадиган мамлакат — Жазоирнинг Россия билан энергетик ҳамкорлик хусусида келишувга эришганини инобатга олсак, АҚШ ва Фарбий Европа Россияга нега "ўғай" кўз билан қараётганининг сабаблари ойдинлашади.

Жаҳон ҳамжамияти яқин йиллар ичида яна бир ажабтовур геосиёсий бурлишларнинг гувоҳи бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, "Газпром" тадбиркор Бенин Штайнц воситачилигида Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт билан музокараларга киришган. Туркиядаги сувости

га нефть кела бошлади. Айни пайтда Пекин ўз шимолий-шарқий ҳудудларига Сибирь нефтини етказиб бериш масаласи юзасидан Россия билан музокаралар олиб бораётди. "Қора олтин"га бўлган эҳтиёжларини қондириш учун Хитой эндиликда Африканинг нефтьга бой минтақаларидан ҳам хом ашё ола бошлади. Зеро, Хитой улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида муносабатда бўлмоқда. 2000 йили Хитой-Африка форуми ташкил этилганидан бери Пекин "қора кит"нинг 28 та қашшоқ мамлакатидан импорт қилинаётган 190 та товарга оид тарифларни бекор қилиб, уларнинг 1 млрд. 200 млн. долларлик қарзидан воз кечди. Яқинда Хитой экспорт-импорт банки Анголага 2 млрд доллар кредит ажратди. Бунга жавобан расмий Луанда ўзининг сувости нефть қонларини ўзлаштиришга рухсат берди. Ваҳоланки, шу пайтгача АҚШнинг "Exxon Mobile" компанияси "Shell Oil" билан биргаликда Анголада ҳукмронлик қилиб келган эди. Эндиликда вазият тубдан ўзгариши аниқ.

Ёдингизда бўлса, апрель ойида президент Ху Цзиньтао АҚШнинг "қора олтин" манфаатлари доирасида бўлган мамлакат, йирмик нефть экспортчиси — Нигерияга ҳам ташриф буюрган эди. 4 млрд. долларлик сармоя эвазига Нигерия Хитойга 4 та нефть қонини ўзлаштириш ҳуқуқини берди. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача мамлакат нефть саноати Фарб компанияларининг тўла назорати остида эди. Бунга ўхшаш кредит ва сармоялар Габон, Кот д'Ивуар, Либерия ва Экватор Гвинеяси иқтисодиётига ҳам киритилганини инобатга олсак, Фарбнинг нима учун ташвишланаётгани сабаблари аён бўлади.

Яқинда Нью-Йоркдаги ташки масалалар билан шуғулланувчи ташкилот — Халқаро муносабатлар бўйича Кенгаш Хитойнинг энергетика соҳасида олиб бораётган сиёсатини муҳокама қилди. Кенгаш ўз мазмунасида президент Жорж Бушни Африкадаги манфаатларни қўлдан бой бераётганликда айблади, унинг сиёсати нисбатан ўз эътирозларини билдирди.

Хуллас, юқоридаги мисоллар АҚШнинг демократияни бошқаларга зўр бериб чиқиштиришга, кичикроқ мамлакатларнинг ерости ва ерусти бойликларига эгаллик қилишга қаратилган уринишлари чиппака чиқаётганидан далолатдир.

га нефть кела бошлади. Айни пайтда Пекин ўз шимолий-шарқий ҳудудларига Сибирь нефтини етказиб бериш масаласи юзасидан Россия билан музокаралар олиб бораётди.

"Қора олтин"га бўлган эҳтиёжларини қондириш учун Хитой эндиликда Африканинг нефтьга бой минтақаларидан ҳам хом ашё ола бошлади. Зеро, Хитой улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида муносабатда бўлмоқда. 2000 йили Хитой-Африка форуми ташкил этилганидан бери Пекин "қора кит"нинг 28 та қашшоқ мамлакатидан импорт қилинаётган 190 та товарга оид тарифларни бекор қилиб, уларнинг 1 млрд. 200 млн. долларлик қарзидан воз кечди. Яқинда Хитой экспорт-импорт банки Анголага 2 млрд доллар кредит ажратди. Бунга жавобан расмий Луанда ўзининг сувости нефть қонларини ўзлаштиришга рухсат берди. Ваҳоланки, шу пайтгача АҚШнинг "Exxon Mobile" компанияси "Shell Oil" билан биргаликда Анголада ҳукмронлик қилиб келган эди. Эндиликда вазият тубдан ўзгариши аниқ.

Ёдингизда бўлса, апрель ойида президент Ху Цзиньтао АҚШнинг "қора олтин" манфаатлари доирасида бўлган мамлакат, йирмик нефть экспортчиси — Нигерияга ҳам ташриф буюрган эди. 4 млрд. долларлик сармоя эвазига Нигерия Хитойга 4 та нефть қонини ўзлаштириш ҳуқуқини берди. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача мамлакат нефть саноати Фарб компанияларининг тўла назорати остида эди. Бунга ўхшаш кредит ва сармоялар Габон, Кот д'Ивуар, Либерия ва Экватор Гвинеяси иқтисодиётига ҳам киритилганини инобатга олсак, Фарбнинг нима учун ташвишланаётгани сабаблари аён бўлади.

Яқинда Нью-Йоркдаги ташки масалалар билан шуғулланувчи ташкилот — Халқаро муносабатлар бўйича Кенгаш Хитойнинг энергетика соҳасида олиб бораётган сиёсатини муҳокама қилди. Кенгаш ўз мазмунасида президент Жорж Бушни Африкадаги манфаатларни қўлдан бой бераётганликда айблади, унинг сиёсати нисбатан ўз эътирозларини билдирди.

Хуллас, юқоридаги мисоллар АҚШнинг демократияни бошқаларга зўр бериб чиқиштиришга, кичикроқ мамлакатларнинг ерости ва ерусти бойликларига эгаллик қилишга қаратилган уринишлари чиппака чиқаётганидан далолатдир.

РОССИЯ

Россия ташқи ишлар вазирлиги "Ироқ мужоҳидлари кенгаши" номли террорчи гуруҳи томонидан гаровга олинган Россия элчихонаси ходимлари қатл этилгани тўғрисидаги маълумотни тасдиқлади. Расмий Москва Ироқ ҳукумати ва коалицион кучлар қўмондонлигидан мазкур жиноятга алоқадор шахсларнинг одил суд олдида жавоб беришлари учун барча чораларни қўришни талаб қилди.

Дипломатлар ўлдирилди



Россия элчихонасининг тўрт нафар ходими — Федор Зайцев, Ринат Агилулин, Анатолий Смирнов ва Олег Федосеевлар 3 июнь куни Бағдоднинг Ал-Мансур туманида ўғирлаб кетилган, қўриқчи Виталий Титов эса ҳужум чоғида ўлдирилган эди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

Ироқ ҳукумати аъзоларидан бирининг тан олишича, мамлакатдаги вазият ниҳоятда аянчи аҳволда, у на ҳукумат, на коалицион кучлар томонидан назорат қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Ироқдаги хорижий фуқаролар, жумладан, дипломатлар ва элчихоналар ходимларидан ҳам хавфсизлик шартларига қатъий амал қилишлари талаб этилмоқда.

Россия президенти Владимир Путин мамлакат махсус хизматлари зиммасига террорчиларни қидириб топиш ва жисмонан йўқ қилиш вазифасини юклади.

УКРАИНА

Сўнгги икки йил ичида Украина иқтисодиётида инфляциянинг кескин ошгани кўзга ташланмоқда. Мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий бошбошдоқлик эса янада йирик иқтисодий ва молиявий инқирозга йўл очиши турган гап. Мутахассислар фикрича, бунинг асосий сабаби энергия манбалари нархининг ошганидир.

Украина боши берк кўчада

Ҳозир Украина ҳукумати деярли боши берк кўчага кириб қолган: "Газпром" ва воситачи компания "РосУкрЭнерго" шу йилнинг 1 июлидан эътиборан зангори олов нархини ошириш арасида турибди. Мамлакат ҳукумати эса аҳолини табиий газ эллик, электр энергияси саксон беш фоиз ва коммунал хизматлар қарий икки баробарга қимматлаштириш тўғрисида оғохлантирди. Бу — бошланиши, ҳолос. Иқтисодиёт вазири вазифасини бажарувчи Арсений Яценюкнинг сўзларига кўра, "зангори олов" нархининг 130 долларга кўтарилиши Украина иқтисодиётининг қон томири бўлган — кимё, металлургия ва машина-созлик соҳаларини издан чиқариб юборади. Қолаверса, бу ҳолат Украина ЯИМининг кескин тушиб кетиши ва инфляциянинг 25-30 фоизга кўтарилишига олиб келади.

АФГОНИСТОН

Бу йил Афғонистонда гиёҳванд моддалар микдори яна ошиши мумкинлиги ҳақида хавотир билдириляпти. Чунки Европада кокаинга бўлган талаб ҳар доимгидан ҳам ортган.

Наркотик моддалар хавфи кучайди

БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат этувчи гуруҳи ўз ҳисоботида таъкидлашча, Афғонистонда тегишли қонунлар суистеъмол қилинавериши гиёҳванд моддалар микдорининг кўпайишига олиб келмоқда. Европада эса гиёҳванд моддаларга ружу қўяётганлар сонининг ортиб бораётгани аниққиса, кўзга кўринган шахсларнинг наркотиклар истеъмол қилаётгани ёшларга захри қотил тўғрисида акс таъсир кўрсатмоқда.

Афғонистон ҳукумати эса кўкнори етиштирилишига чек қўйиш мақсадида бошқа экин турларини ўстираётган деҳқонларни рағбатлантириш учун алоҳида маблағ ажратмоқда.

Таъкидлаш керакки, гиёҳванд моддаларга қарши кураш шу пайтгача биргина Лаосда муваффақиятли кетган. Маълумки, 1990 йиллар ўрталарига дунёни афюн билан таъминлашда етакчи роль ўйнаган ушбу мамлакатда ўтган йилга келиб, кўкнори етиштириш микдори етмиш фоизга қисқартирилди.

НУҚТАИ НАЗАР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР

ХАБАРЛАР

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Ишчи кучи ташқи миграцияси, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш қидириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб юриши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Инсоният тарихи одамларнинг қатта-қатта гуруҳларининг у ёки бу мамлакатга кўчишлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бой.

Икромжон ҚОСИМОВ

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда ҳар ўн оиладан бири кўчиб юради. Халқаро меҳнат бозори эса ишчи кучи истеъмолчилари ва уларни етказиб берадиган уртасидаги муносабатларни тартибга солишчи механизм ҳисобланади. Мигрантларнинг оқими ортгани эса бугунги энг глобал муаммолардан биридир. Уни ҳал қилиш кенг микёсдаги халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Аслида меҳнат миграциясининг куйидаги томонлари ҳам йўқ эмас. Аввало,

ишсизлик муаммосини юмшатади. Экспортёр давлатлар учун валюта кириб келишига таъсир кўрсатади, шунингдек, ишчиларнинг билим ва тажрибасини орттиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларидагина аҳоли миграцияси соҳасида ўзининг ташкилий-ҳуқуқий базасига эга бўлди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Конституциянинг 37-моддасига биноан, Ўзбекистон фуқаролари чет элларда ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Халқаро меҳнат бозоридаги ўзгаришлар

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида Ўзбекистон фуқаролари мустақил тарзда иш қидириш ва Ўзбекистон Республикаси ичида ва бошқа мамлакатларда ишлаш ҳуқуқига эга, 10-моддасига биноан, фуқаролар иш бериши билан келишилган ҳолда ёки бепул меҳнат ташкилотларига мувожаат қилиб, эркин иш жойларини танлашлари мумкин.

Жаҳоннинг 98 та давлатидан 31 таси иш кучини экспорт (жўнатаётган) қилаётган. 43 та давлат эса иш кучи қабул (импорт) қилувчи, 24 та давлат ҳам иш кучи жўнатувчи ва қабул (экспорт ва импорт) қилувчи давлатлар сирасига киради.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро ташкилотлар ичида Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилоти етуқлиги билан ажралиб туради. Чунки уларнинг сиёсатини ҳам ишчи ва тадбиркорлар, ҳам давлат вакиллари тенг қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг асосий функцияларидан бири — конвенция ва маслаҳатлар қабул қилишдир.

МИГРАЦИЯ



